Результаты. Наши микробиологические исследования подтверждают низкую чувствительность основных внутрибольничных патогенов НПивл (P.aeruginosa, Acinetobacter spp., K.pneumoniae, MRSA) к узкому спектру антибактериальных препаратов, что указывает на необходимость для каждого пациента при развитии НПивл, индивидуализированного подхода к этиотропной антибиотикотерапии согласно данным бактериологического мониторинга.

К инфекционным заболеваниям, связанным с оказанием медицинской помощи (ИСМП) принято относить нозокомиальную пневмонию (НП), катетер-ассоциированные инфекции кровотока и мочевых путей, инфекции в области хирургического вмешательства, постинъекционные абсцессы и др.

В обзорном докладе Всемирной Организации Здравоохранения (ВОЗ) частота развития ИСМП варьирует в пределах от 5,7% до 19,1% от всех госпитализаций и зависит от особенностей оказания медицинской помощи, в том числе уровня экономического развития и профиля медицинской помощи в стране. В структуре инфекционных осложнений на первом месте находится НП (32%), риск развития внутрибольничных инфекций выше у больных, находящихся в отделениях интенсивной терапии [1]. В структуре НП возможно условное выделение нескольких ее форм:

1. Послеоперационная пневмония - наиболее часто встречаемое послеоперационное осложнение. Частота - 18,6%, летальность от 21 до 46%.

2. Вентилятор-ассоциированная пневмония (НПивл или ВАП) развивается у больных, находящихся на ИВЛ, риск ее развития после 3-х дней ИВЛ возрастает на 1% каждый

следующий день вентиляции. Частота НПивл составляет от 35 до 65% при летальности до 80%.

3. Аспирационная пневмония – развивается вследствие аспирации желудочного содержимого. В ее этиологии большую роль играет не только инфекция, но и агрессивность самого аспирата.

Условность такого деления НП связана с тем, что формы пневмонии могут наслаиваться в процессе развития одна на другую. Развитие у больных НП приводит к негативным последствиям для здоровья и жизни, ухудшает прогноз, увеличивает сроки госпитализации, требует дополнительных материальных затрат [2,3]. Диагностическими критериями НПивл (VAE) являются: ухудшение оксигенации после периода стабильности или улучшения (снижение индекса оксигенации PO_2/FiO_2); системные проявления воспаления (лихорадка, лейкоцитоз, повышение С-реактивного белка); лабораторные признаки инфекции дыхательных путей (микроскопия мокроты). Для уточнения диагноза $НП_{ИВЛ}$ была разработана шкала легочной инфекции CPIS - Clinical Pulmonary Infection Score (Табл.1) [4]. При расчете суммарного балла по этой шкале учитывают клинико - лабораторные и инструментальные данные, в том числе индекс оксигенации PaO_2/FiO_2. В соответствии с Европейскими клиническими рекомендациями $НП_{ИВЛ}$ вероятна, при наличии 7 баллов и более [5,6]. Модифицированная версия этой шкалы может быть использована для оценки эффективности антибактериальной терапии. Наиболее ценным предиктором ответа пациента на антибактериальную терапию является улучшение индекса оксигенации к 3-м суткам лечения [7]. Микробиологические исследования являются основной для уточнения этиологии заболевания и подбора адекватной антимикробной терапии. При развитии $НП_{ИВЛ}$ у больных в ОИТ возможно использование альтернативных способов визуализации органов грудной клетки: рентгенографии, мультиспиральной компьютерной томографии (КТ), ультразвуковое сканирование. Наиболее чувствительный метод оценки легочной паренхимы – КТ [8,9,10]. Исследование Zagli и соавторов показали, что совместное использование ультразвукового метода, прокальцитонина и шкалы CPIS эффективно в качестве более точной диагностики $НП_{ИВЛ}$ [11].

Тактика назначения антибактериальной терапии (АБТ) у больных НП зависит от ряда факторов: риска полирезистентных возбудителей и результатов локального микробиологического мониторинга [12]. Наиболее серьезную проблему представляют инфекции нижних дыхательных путей, ассоциированные с патогенами, обладающими множественной лекарственной устойчивостью (МЛУ) [13]. К самым часто встречающимся жизнеугрожающим инфекциям с МЛУ относятся «ESKAPE»-патогены: Enterococcus faecium (резистентность к ванкомицину); Staphylococcus aureus (MRSA); Escherichia coli, K.pneumoniae, Acinetobacter baumannii, Pseudomonas aeruginosa, Enterobacter spp. продуцирующие карбапенемазы. В условиях отсутствия новых доступных АБП, активных в отношении бактериальных патогенов с МЛУ, продолжаются активные исследования в поиске оптимизации режимов дозирования «старых» антибиотиков, в том числе полимиксинов, аминогликозидов и др. [14].

Учитывая высокий уровень летальности, особенно у пациентов с $НП_{ИВЛ}$, рост резистентности нозокомиальных возбудителей к антибактериальным препаратам группы резерва, актуальным является выявление ранних предикторов развития заболевания, тяжести течения, использование которых в клинической практике поможет снизить заболеваемость и улучшить прогноз у данных пациентов.

Цель работы - оптимизация подходов к ранней диагностике и повышение эффективности этиопатогенетической антимикробной терапии у пациентов с нозокомиальной пневмонией, вызванной микроорганизмами с множественной лекарственной устойчивостью.

Материал и методы

Проспективное исследование (n=29) хирургические пациенты с наличием критериев $НП_{ИВЛ}$. В исследование включены пациенты, перенесших оперативные вмешательства по поводу кишечной непроходимости - 7, распространенного перитонита - 5, бактериальной деструкции легких - 8, уретерогидронефроза (2-4 степени, уросепсиса) – 9. Возрастной состав пациентов: дети дошкольного возраста 2–5 лет - 8, школьники 6–12 лет - 14, подростки 13–18 лет - 7. Группа контроля n=10. Мини-

мальная эскалационная АБТ. Группа основная (n=19). Максимальная деэскалационная АБТ. Искусственная вентиляция легких (вентиляторы SAVINA, SULLA) длительностью более 48 часов осуществлялась всем пациентам. Длительность нахождения в ОРИТ составила, в среднем 19,3±5,6 дней.



Рис. 1. Дизайн проспективного исследования

Дизайн исследования представлен на рисунке 1. Критерии включения в исследование: возраст до 18 лет, клинические и лабораторно-инструментальные признаки $НП_{ИВЛ,}$ наличие необходимого объема обследования. Критерии исключения – несогласие пациента или его родственников на участие в исследовании. Проанализированы: демографические показатели (пол, возраст), уровень прокальцитонина и СРБ, тяжесть состояния, наличие инфекционных осложнений, длительность ИВЛ, лабораторные данные, данные микробиологических исследований. Всем больным проводилось комплексное клинико-инструментальное обследование, включающее оценку физиологического состояния пациентов по шкале CPIS для оценки динамики проводимой терапии. Были использованы критерии НПивл в соответствии с клиническими рекомендациями [15,16]. В ходе исследования проводили забор образцов альвеолярного аспирата. После окончания курса сочетанной АБТ была проведена оценка клинической и микробиологической эффективности терапии. Микробиологический мониторинг проводился в течение 48-72 часов, до и на этапах лечения. Определение чувствительности выделенных штаммов к антибиотикам осуществляли диско-диффузионным методом. Результаты микробиологического мониторинга представлены в диаграмме 1. Для контроля эффективности проводимой АБТ оценивали клиническое и микробиологическое выздоровление, безопасность проводимой терапии. Критерии клинического выздоровления - положительная динамика снижения суммарного балла по шкале (CPIS). Критерии микробиологического выздоровления по данным повторного исследования респираторного образца: снижение КОЕ по результатам ми-

кробиологических исследований, эрадикация микроорганизма, выявление новых штаммов полирезистентных грамотрицательных возбудителей.

Таблица 1

Клиническая шкала легочной инфекции CPIS
(Clinical Pulmonary Infection Score)

Показатели	Значения	Оценка
Температура, °С	> 36,5 или < 38,4 > 38,5 или < 38,9 > 39 или < 36	0 баллов 1 балл 2 балла
Лейкоциты, х 10^9 л	< 4 и < 11 < 4 или > 11	0 баллов 1 балл + 1 (при наличие юных форм)
Трахеальный секрет	Отсутствие трахеального секрета Негнойный трахеальный секрет	0 баллов 1 балл + 1 балл (гнойный секрет)
$Pa0_2/Fi0_2$, мм рт.ст.	> 240 или РДСВ <240 при отсутствии РДСВ	0 баллов 1 балл
Рентгенография легких	Отсутствие инфильтратов Диффузные инфильтраты Локализованный инфильтрат	0 баллов 1 балл 2 балла
Микробиологический анализ трахеального аспирата	Нет роста При выделении типичного возбудителя*	0 баллов 1 балл

Анализ газов и электролитов крови проводили на анализаторе Radiometer AVL – 800 FLEX. Иммунофлуоресцентным методом определяли прокальцитонин на анализаторе «Triage® MeterPro» (Biosite Diagnostics, США). Статистическая обработка проведена с использованием методов параметрического и непараметрического анализа. Статистический анализ проводился с использованием свободной программной среды вычислений R (v.3.6.0) [17]. Полученные значения t-критерия Стьюдента оценивались путем сравнения с критическими значениями. Различия показателей считались статистически значимыми при уровне значимости $p<0,05$. Для сравнения независимых совокупностей в случаях отсутствия признаков нормального распределения данных использовался U-критерий Манна-Уитни.

Результаты и обсуждение

У всех больных альвеолярный аспират для бактериологического исследования забирали 2–3 раза за период нахождения в ОРИТ. Из бронхо-альвеолярного аспирата с наибольшей частотой выделялись - Kl.Pneumonia – 27,5% (8), Ps. Aeruginosa – 24,1% (7), St.Aureus – 20,6% (6), Pneumococcus – 17,2% (5), Acinetobacter -10,3% (4). Мониторинг микробиоты бронхо-альвеолярного аспирата во время пребывания больного на ИВЛ и анализ её антибиотикорезистентности проводился у представителей этой группы патогенов, учитывая высокую частоту их циркуляции в детском ОРИТ. Локальный мониторинг подтвердил домирирующее положение в структуре изученных изолятов таких мультирезистентных бактерий из группы ESCAPE, как St.aureus, Ps.aeruginosa, Kl. Pneumonia и Acinetobacter.



Рис. 2. Бронхо-альвеолярный аспират

В наших исследованиях Kl. Pneumonia имела рост к превышению Ps.aeruginosa. Результаты определения чувствительности к антибиотикам у выделенных штаммов грамотрицательной флоры выявили, что среди изолятов Ps.aeruginosa резистентность к меропенему охватывала 59,7% выделенных штаммов, к имипенему — 53%, к сульперазону — 34,5%, к цефтазидиму — 39%, цефепиму — 33,9%. К колистину были чувствительны все штаммы (100%), к пиперациллин/тазобактаму чувствительность составила 68,4%. Среди изолятов Acinetobacter чувствительные к меропенему и имипенему составили только 23,6% и 27%, к сульперазону — 58,4%, к колистину были чувствительны все штаммы. У штаммов Kl.pneumoniae в 47,4 и 44,5% случаях выявлена устойчивость к меропенему и имипенему. Среди выделенных штаммов K.pneumoniae наибольшая чувствительность отмечена к амикацину (60,1%) и колистину (57%). Все изоляты K.pneumoniae были устойчивы к цефепиму, сульперазону, цефтазидиму и ципрофлоксацину — до 89,6%. Среди выделенных штаммов S.aureus 54,9% относились к MRSA. У них сохранялась чувствительность к рифампицину (89,9%). Резистентность к ванкомицину охватила 14,6% выделенных штаммов.

Результаты проведённого анализа чувствительности внутрибольничных патогенов к антибиотикам определили некоторые возможности использования отдельных антибактериальных препаратов в клинической практике. При выборе антибиотика для детей из узкого спектра эффективных препаратов учитывали и возрастные ограничения в применении отдельных групп антибактериальных средств (фторхинолонов), что ещё более суживало их выбор у детей.

При $НП_{ИВЛ}$, вызванной грамнегативной мультирезистентной флорой применяли деэскалационный режим этиотропной АБТ защищенными ЦФ 3-4 поколения, карбапенемами (имипенем, меропенем), в комбинации с АГ 3 поколения (акцент делали на защищенные антибиотики), далее на следующих этапах при необходимости и по данным микробиологического мониторинга шла смена курсов АБТ на полимиксины Е (колистин) в комбинации с другими антибактериальными препаратами. Согласно данным нашего исследования, для антибактериальной терапии $НП_{ивл}$, вызванной Ps.aeruginosa оставался выбор среди таких препаратов, как колистин (Колистиметат натрия, 3-5 мг/кг/с каждые 8 часов внутривенно (1 мг -12500 МЕ) у пациентов без почечной патологии) или пиперациллин/тазобактам. В случаях $НП_{ИВЛ}$, обусловленной Acinetobacter spp. выбор ограничивался колистином и сульперазоном. Препаратами выбора для лечения $НП_{ИВЛ}$, вызванной K.pneumoniae являлся колистин и амикацин, при лабораторно подтверждённой чувствительности данного возбудителя к конкретному препарату. В случае высева грампозитивной инфекции (+ грамнегативной), акцент делали на применение антибиотиков группы Оксазолидинонов и Гликопептидов. При наличии метициллинрезистентного St. aureus (MRSA), использовали гликопептиды (ванкомицин), в случае ванкомицин-резистентных штаммов – линолид (зивокс) + ЦФ 3-4, (или КБ, или АГ 3). По показаниям в схе-

му АБТ включали противогрибковые препараты (флюканазол). Длительность антимикробной терапии $НП_{ИВЛ}$ составила, в среднем 17 ± 3,7 дней. Пациенты получили от 1 до 4 курсов комбинированной АБТ. В табл.2 представлена динамика развития новых случаев антибиотикорезистентности в группах.

Таблица 2

Развитие новых случаев антибиотикорезистентности в группах в динамике на фоне проводимой терапии

Группа	Пациенты с новым случаем выявления возбудителей с МЛУ, n (%)
Контрольная (n=10)	6 (60%)
Основная (n=19)	3 (15,7%)

Как представлено в таблице 2, при анализе чувствительности патогенов по результатам микробиологических исследований отмечено выявление новых штаммов с МЛУ, однако, в меньшем проценте в основной группе.

Результаты мета-анализа Melsen W. G. подтверждают высокий риск развития $НП_{ИВЛ}$ у пациентов хирургического профиля и у пациентов с исходно среднетяжелым состоянием при поступлении в стационар [18]. По данным ряда исследований у пациентов в послеоперационном периоде на долю $НП_{ИВЛ}$ приходится до 86 % случаев [2,19]. Развитие НП на фоне ИВЛ больных в послеоперационном периоде ухудшает прогноз, увеличивает продолжительность пребывания в ОРИТ и ассоциируется с увеличением атрибутивной летальности [18].

В нашем исследовании в группах по выживаемости отмечены достоверные различия: смертность у больных контрольной группы с $НП_{ИВЛ}$ составила n=4 (40%) и n=4 (21,05%) в основной группе соответственно. Общая летальность у хирургических больных с клиникой НПивл составила 27,5%.

Во всем мире представляют особую проблему мультирезистентные супербактерии – представители группы ESCAPE (Enterococcus Faecium, St.aureus. Kl. Pneumonia, Acinetobacter, Ps.aeruginosa, Enterobacter spp.), что существенно усложняет терапию реанимационных больных с госпитальными осложнениями. Преобладающими возбудителями $НП_{ИВЛ}$ у пациентов в обеих группах являлись грамнегативные штаммы с множественнойлекарственнойустойчивостью: Kl.pneumoniae (n=8), Ps.aeruginosa (n=7), Acinetobacter (n=4). Результаты наших микробиологических исследований подтверждают низкую чувствительность основных внутрибольничных патогенов НПивл (P.aeruginosa, Acinetobacter spp., K.pneumoniae, MRSA) к узкому спектру антибактериальных препаратов, что указывает на необходимость для каждого пациента при развитии НПивл индивидуализированного подхода к этиотропной антибиотикотерапии согласно данным бактериологического мониторинга.

Литература

1. Sydnor E.R.M., Perl T.M. Hospital epidemiology and infection control in acutecare settings. Clin. Microbiol. Rev. 2011. T. 24. № 1. C. 141–173.; World Health Organization. Report on the Burden of Endemic Health Care Associated Infection Worldwide Clean Care is Safer Care., 2011:40.

2. Гельфанд, Б.Р. Белоцерковский, Б.З. Милюкова, И.А. Гельфанд Е.Б. Эпидемиология и нозологическая структура нозокомиальных инфекций в отделении реанимации и интенсивной терапии многопрофильного стационара. Инфекции в хирургии. 2014;4:24–36.

3. Kalil A.C. и др. Management of Adults With Hospital-acquired and Ventilatorassociated Pneumonia: 2016 Clinical Practice Guidelines by the Infectious Diseases Society of America and the American Thoracic Society. Clin. Infect. Dis. 2016;63(5):61–e111.

4. Torres A. и др. Summary of the international clinical guidelines for the management of pneumonia. ERJ Open Res. 2018;4(2):1–10.

5. Loke Y.K. и др. Value of severity scales in predicting mortality from communityacquired pneumonia: systematic review and meta-analysis. Thorax. 2010.;65(10):884–890.

6. Zilberberg M.D.D., Shorr A.F.F. Ventilator-Associated Pneumonia: The Clinical Pulmonary Infection Score as a Surrogate for Diagnostics and Outcome. Clin. Infect. Dis. 2010;51(1):131–135.

7. Torres A. и др. Summary of the international clinical guidelines for the management of pneumonia. ERJ Open Res. 2018;4(2):1–10.
8. Гельфанд Б.Р. и др. Нозокомиальная пневмония у взрослых. Российские национальные рекомендации. Москва: ООО «Медицинское информационное агентство», 2016:176.
9. Gerritsen M.G. и др. Improving early diagnosis of pulmonary infections in patients with febrile neutropenia using low-dose chest computed tomography. PLoS One. 2017;12(2)1–13.
10. Wesley H.S. и др. High Discordance of Chest X-ray and CT for Detection of Pulmonary Opacities in ED Patients: Implications for Diagnosing Pneumonia. Am J Emerg Med. 2014;31(2):401–405.
11. Zagli G. и др. Diagnosis of Ventilator-Associated Pneumonia: A Pilot, Exploratory Analysis of a New Score Based on Procalcitonin and Chest Echography. CHEST J. 2014;146(6):1578–1585.
12. Kalil A.C. и др. Management of Adults With Hospital-acquired and Ventilatorassociated Pneumonia: 2016 Clinical Practice Guidelines by the Infectious Diseases Society of America and the American Thoracic Society. Clin. Infect. Dis. 2016;63(5):61–111.
13. Российская ассоциация специалистов по хирургическим инфекциям и др. Программа СКАТ (Стратегия Контроля Антимикробной Терапии) при оказании стационарной медицинской помощи. Российские клинические рекомендации. Москва: ООО «Типография ГАРТ», 2017:1-132.
14. Palmer L.B., Smaldone G.C. Reduction of bacterial resistance with inhaled antibiotics in the intensive care unit. Am. J. Respir. Crit. Care Med. 2014;189(10):1225–1233.
15. Руднов В.А., Кулабухов В.В. Сепсис-3: обновленные ключевые положения, потенциальные проблемы и дальнейшие практические шаги. Вестник анестезиологии и реаниматологии. 2016;13(4):4–11.
16. Rhodes A. и др. Surviving Sepsis Campaign : International Guidelines for Management of Sepsis and Septic Shock : 2016. 2017.
17. R Foundation for Statistical Computing, Vienna, Austria. ISBN 3-900051-07-0, 2008.
18. Wilhelmina G. Melsen; Maroeska M. Rovers. Estimating the attributable
mortality of ventilator-associated pneumonia from randomized prevention studies. Crit. Care Med. 2011. T. 39(12). № SPEC. ISS. C. 2736–2742
19. Masterton RG1, Galloway A, French G, Street M, Armstrong J, Brown E, Cleverley J, Dilworth P, Fry C, Gascoigne AD, Knox A, Nathwani D, Spencer R., W.M. Guidelines forthe management of hospital-acquired pneumonia in the UK: report of the working party on hospital-acquired pneumonia of the British Society for Antimicrobial Chemotherapy. J Antimicrob Chemother. 2008;62(1):5–34.

Satvaldieva E.A., Ashurova G.Z., Boltaeva J.A., Mamatkulov I.B.

BOLALARDAGI NOZOKOMIAL PNEVMONIYA: INTENSIV TERAPIYA BO'LIMLARIDA ANTIBIOTIKLARGA CHIDAMLILIK MUAMMOLARI

Kalit so'zlar: bolalar, nozokomial pnevmoniya, antibiotiklar, intensiv terapiya

Ko'p dori-darmonlarga chidamli mikroorganizmlar keltirib chiqaradigan NPo'sv bilan kasallangan bemorlarda erta tashxis qo'yishga yondashuvlarni optimallashtirish va etiopatogenetik antimikrobiyal terapiya samaradorligini oshirish edi. NPo'sv mezonlari mavjud bo'lgan jarrohlik muolajasi o'tqazilgan bemorlarni istiqbolli o'rganishda (n = 29) maktab o'quvchilari ustunlik qildi (72,4%). Nazorat guruhi (n = 10), minimal eskalatsiya ABT. Asosiy guruh (n = 19) maksimal deeskalatsiya ABT. 48 soatdan ortiq davom etadigan o'pka mexanik ventilatsiyasi 100% hollarda amalga oshirildi. Bizning tadqiqotimizda guruhlarda sezilarli farqlar mavjud edi: NPo'sv bilan kasallangan bemorlarda o'lim ko'rsatkichi nazorat guruhida n = 4 (40%) va asosiy guruhda n = 4 (21,05%). Ikkala guruhdagi bemorlarda NPo'sv ning asosiy qo'zg'atuvchisi ko'p doriga chidamliligi bo'lgan gram-manfiy shtammlar edi: Kl.pneumoniae (n = 8), Ps.aeruginosa (n = 7), Acinetobacter (n = 4). Bizning mikrobiologik tadqiqotlarimiz natijalari NPo'sv (P. aeruginosa, Acinetobacter spp., K. pneumoniae, MRSA) asosiy nozokomial patogenlarning antibakterial dorilarning tor spektriga nisbatan past sezuvchanligini tasdiqlashi har bir bemorda NPo'sv rivojlanishida muhim ahamiyatga egaligini, bakteriologik ma'lumotlarga ko'ra etiotrop antibiotik terapiyasiga individual yondashuvni ko'rsatib beradi .

Satvaldieva E.A., Ashurova G.Z., Boltaeva Zh.A., Mamatkulov I.B.

NOSOCOMIAL PNEUMONIA IN CHILDREN: ANTIBIOTIC RESISTANCE PROBLEMS IN INTENSIVE CARE UNITS

Key words: children, nosocomial pneumonia, antibiotic, intensive care

The aim of the study was to optimize approaches to early diagnosis and increase the effectiveness of etiopathogenetic antimicrobial therapy in patients with NP_{AVL} caused by multidrug-resistant microorganisms. Prospective study (n=29) of surgical patients with the presence of NP_{AVL} criteria. Schoolchildren prevailed (72.4%). Control group n=10. Minimum escalation ABT. The main group (n=19). Maximum de-escalation ABT. Mechanical ventilation lasting more than 48 hours was carried out in 100% of cases. In our study, there were significant differences in the survival groups: mortality in patients in the control group with NP_{AVL} was n=4 (40%) and n=4 (21.05%) in the main group, respectively. The predominant causative agents of NP_{AVL} in patients in both groups were gram-negative strains with multidrug resistance: Kl.pneumoniae (n = 8), Ps.aeruginosa (n=7), Acinetobacter (n=4). **The results** of our microbiological studies confirm the low sensitivity of the main nosocomial pathogens NPavl (P. aeruginosa, Acinetobacter spp., K. pneumoniae, MRSA) to a narrow spectrum of antibacterial drugs, which indicates the need for each patient in the development of NPavl an individualized approach to etiotropic antibiotic therapy according to bacteriological monitoring.

Бекназаров А.Б., Сатвалдиева Э.А., Ҳайдаров М.Б., Маматқулов И.Б.

БОЛАЛАРДА СЕВОФЛУРАН БИЛАН АНЕСТЕЗИЯ ИНДУКЦИЯСИГА КИРИТИШНИНГ ЯНГИЧА ҚЎЛЛАНМАЛАРИ

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Тадқиқод мақсади. Анъанавий ингаляцион усули ва VIMA (Volatile Induction and Maintenance Anesthesia) анестезиясини қўллаш усули ва янги VIMA техникасини севофлуранли икки болюсли индукцияда қўллаш билан болаларда кўзғалиш, брадикардия ва ажитация ривожланишининг частотасига таъсирини солиштириш.

Материал ва услублар. Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида тадқиқотлар олиб борилди. Тадқиқотлар ретроспектив ва истиқболли ҳисобланади. Турли урологик, хирургик ва офтальмохирургик патологияли неврологик симптоматикаси бўлган болаларда севофлуран (анъанавий VIMA техникаси) билан 245 анестезиологик амалиётнинг клиник таҳлили ўтказилди.

Натижалар. VIMA усули севофлураннинг анестезияга индукцияни икки марта болюс қилиш техникаси прекондицирланган натижани таъминлайди ва брадикардия ривожланиш частотасини, шунингдек болалардаги қўзғалувчанликни ва ажитацияни минималлаштиради. Бизнинг фикримизча, ингаляцион анестезиянинг ушбу усулини қўллаш истиқболлидир, унинг тадқиқотларини давом эттириш зарур.

Севофлуран ҳозирги вақтда бошқа хусусиятларга нисбатан фойдали хусусиятларга эга бўлган ягона ингаляцион анестетикдир, яъни нафас йўлларида қўзғатувчанлик таъсири йўқлиги ва қон/газ тақсимлаш коэффициентининг пастлигига боғлиқ [1,2]. Ўткир ҳиднинг йўқлиги ва анестезияга тез кириши, қўшимча инъекция қилинмаслиги, болаларда анестезия индукциясига севофлуран билан ниқоб орқали идеал тайёрлаш мумкин [3]. Ҳозирги вақтда севофлуран ёрдамида анестезия индукциясининг иккита усули қўлланилади [4]. Биринчи усул- нафас контурида севофлуран концентрациясини аста-секин оширишдан иборат бўлган босқичма-босқич индукция. Бу усул анестезия индукцияси пайтида боланинг жисмоний чекланишини талаб қиладиган анестезияга кириш вақтини оширади. Иккинчи усул- анестезияга болюс индукцияси. Шуни таъкидлаш керакки, VIMA (Volatile Induction and Maintenance Anesthesia) (учувчан индукция ва қўллаб - қувватловчи анестезияси) усули ёрдамида севофлуран билан болюс индукцияси болалар анестезиологиясида кенг тарқалган ва машҳуридир [5]. Ушбу усулнинг моҳияти беморга севофлуранни юқори концентрацияда (6-8%) етказиб беришдир, бу эса беморни 20-30 сония ичида тез ухлаб қолишини таъминлайди.

Аммо, VIMA усулининг ўзига хос камчиликлари бор, бу анестезия индукцияси давомида беморнинг қўзғалиш, брадикарди-

яни ривожланиши ва қўзғалиш даврида наркоздан кейинги ажитация кабилар билан юзага келади. Қўзғалиш босқичи беморни ушлаб туришни талаб қиладиган ҳаракат реакцияларида ҳушини йўқотгандан сўнг пайдо бўлиши билан тавсифланади ва 60-90% болаларда севофлуран билан анестезия индукция вақтида содир бўлади [6]. Қўзғалиш босқичида ўпка вентиляцияси тана ва бўйин мушакларининг бир вақтнинг ўзида қисқариши туфайли камайиши мумкин, бу эса гипоксия ва гиперкапния хавфини оширади. Бир қатор муаллифлар [7, 8] фикрича, севофлуран қўлланганда ривожланадиган эпилептиформ пўстлоқ фаоллиги натижасида анестезия индукцияси вақтида тоник-клоник ҳаракатлар фаоллигини келиб чиқишига сабаб бўлади.

Брадикардиянинг ривожланиши севофлураннинг вегетатив нерв системасига хос таъсири билан, яъни индукция бошланишида унинг парасимпатик звеносига боғланишини сўниши билан боғлиқ бўлиб, юракка симпатик компонентнинг таъсирини вақтинчалик ортишига олиб келади. Бунинг оқибати қисқа муддатли тахикардия; кейинчалик наркоз чуқурлашгани сари симпатик-адреналин фаоллик пасаяди, бу эса брадикардия ривожланишига олиб келади [9]. Вегетатив нерв тизимига таъсир қилишдан ташқари, севофлуран sinus тугунига бевосита сусайтирувчи таъсир кўрсатади [10, 11]. Оғир брадикардия ҳаёт учун хавфли бўлиши мумкин [12].

Постнаркоз ажитация - болаларда учрайдиган ўзига хос феномен бўлиб, ҳаракат қўзғалувчанлиги, дезорентация ва йиғи, бола алоқага киришмаслик билан кечади [13-16]. Бу ҳолат бир неча дақиқадан 1 соатгача давом этиши ва ўз-ўзидан ўтиши мумкин, аммо бундай пайтларда болани кузатиб туриш талаб қилинади, наркоздан кейин уйғониш вақтини узайтиради ва бу эса ота-оналарнинг ташвишига олиб келади [17]. Ажитация частотаси 10 дан 67% гача ўзгаради [18]. Сўнгги тадқиқотлар маълумотлари шуни кўрсатадики, севофлуран ва дезфлуран ёрдамида болаларда постнаркоз ажитация частотаси тахминан бир хил бўлиб 25% ни ташкил этади [19].

Тадқиқотимизнинг гипотезаси анестезиянинг индукцион боскичида севофлуран анестезиясининг салбий таъсирини олдини олиш учун преконтиция феноменини қўллаш эди. Сўнгги йилларда севофлоран прекондицирланган феномени кенг ўрганилиб, ушбу қўлланмалар кардиопротектив ва нейропротектив таъсири муҳокама қилинмокда [5, 20].

Прекондиционирланган индукция натижасига эришиш учун севофлуран билан анестезияга кириш икки болюсдан иборат бўлиши керак, деб таклиф берилди. Юқори концентрацияда (6%) севофлураннинг биринчи нафас олишида болюс берилиши нафақат онгни тезда йўқотиши, балки бола организмининг прекондиционирланишини ҳам белгилашни таъминлаши мумкин. Севофлураннинг иккинчи болюси исталган анестезиянинг чуқурлигига эришиш, ларингеал ниқобни ўрнатиш ва сунъий ўпка вентиляциясига (СЎВ) ўтиш учун амалга оширилади.

Тадқиқот мақсади - анъанавий ингаляцион усули ва VIMA (Volatile Induction and Maintenance Anesthesia) анестезиясини қўллаш усули ва янги VIMA техникасини севофлуранли икки болюсли индукцияда қўллаш билан болаларда қўзғалиш, брадикардия ва ажитация ривожланишининг частотасига таъсирини солиштириш.

Материаллар ва услублар

Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида тадқиқотлар олиб борилди. Тадқиқотлар ретроспектив ва истиқболли ҳисобланади. Турли урологик, хирургик ва офтальмохирургик патологияли неврологик симптоматикаси бўлган болаларда севофлуран (анъанавий VIMA техникаси) билан 245 анестезиологик амалиётнинг клиник таҳлили ўтказилди. Гуруҳлардаги болаларнинг соматик ҳолати ASA (Америка анестезиологлар жамияти) таснифига кўра фарқ қилмади ва II – III синфга тўғри келди. Гуруҳлар ўртасида гендер таркиби бўйича фарқлар бўлмади. Охирги суюқликни истеъмол қилишга анестезиядан 2 соат олдин рухсат берилди. Улар ёшлари 3,5 ойликдан 18 ёшгача бўлган болалар ҳисобланишади. Операциялар асосан 2020 ва 2021 йиллар мобайнида амалга оширилди. Шулардан 34 та болада гидронефроз касаллиги бор беморлар эди. Бу болаларнинг ҳаммаси биз томондан шартли равишда икки ёш гуруҳига бўлинди: 6ойдан 6 ёшгача (18 бола) ва 7 ёшдан 17 ёшгача (16 бола). Иккала гуруҳда ҳам умумий ингаляцион анестезия севофлуран юз ниқоби (ларингеал ниқоб- ЛН) ўрнатиш билан амалга оширилди. Анестезия ва нафас олишнинг адекватлигини назорати

клиник белгиларга кўра ҳам, доимий мониторинг маълумотлари асосида ҳам амалга оширилди. Иккинчиси ўз параметрлари рўйхатга пульсоксиметрия (плетизмограмма, SpO2, юрак уриш тезлиги), қон босимини ноинвазив ўлчаш (САД, СрАД, ДАД), нафас сони, нафас олиш ритми, капнография киритилган. Когнитив дисфункциялар частотаси, талваса реакциялари ва гипертония синдромининг намоён бўлиши қиёсий тарзда ўрганилди.

Натижалар ва муҳокама

Атропин сульфат, диазепам ва фентанил каби дори воситаларидан иборат стандарт премедикациядан фойдаланилган. Премедикация ҳар доим ҳам болада етарли даражада седация ҳолати бўлмагани учун биз кичик ёшдаги болаларда операцион хонасида марказий ва периферик веналар пункциясини амалга ошириш имконини берувчи қуйидаги премедикацияни қўлладик. Бу юз ниқоби орқали икки дақиқадан кам вақт давомида севофлуран дастлабки ингаляцияни (ўз навбатида беморларнинг ёши ортиши билан минимал алвеоляр концентрацияси 6 дан 3% гача) 0,1% атропин сульфат эритмаси вена ичига 10 мкг/кг юборилишини ўз ичига олди. Барча ҳолатларда биз томонимиздан пропофол (дипривaн) ёрдамида юз ниқоби орқали севофлуран билан индукцияда яхши натижага эришилди. Ушбу схемалардан фойдаланиш жарроҳлик амалиётининг барча босқичларида анестезиянинг зарур чуқурлик ва силлиқлиқ билан кечишига имконини берди. Лекин, биринчи гуруҳдагилар орасидан уйғониш босқичида операциядан кейинги когнитив дисфункция (ОККД) анча кўпроқ учради. Улар 30% ҳолларда агрессив хулқ-атворда, жой ва вақтдаги дезориентацияда, хулқ-атвор реакцияларининг бузилишида ифодаланган. Кичик ёш гуруҳ болаларида бундай реакцияларнинг давомийлиги 40 минутдан 2,5-3 соатгача давом этган. Иккинчи гуруҳда когнитив бузилишлар ҳам содир бўлган, лекин 1% га яқин ҳолатни ташкил этган. Адабиётларга кўра, кетамин, этомидат ва энфлюран препаратларини қўллаш ҳаракат реакциялари, талвасалар, гипертензив таъсирга, ларингоспазмга, қусишга, анестезиянинг барча босқичларида кўз ичи босимининг нисбатан кўтарилишига, шунингдек, уйғониш давринининг узайишига олиб келиши мумкин [3,4]. Аксинча, севофлуранни неврологик симптоматикаси бўлган болаларда асосий анестезия сифатида ишлатиш тажрибамиз кўрсатганидек, барча салбий кўринишларни минимал даражада камайтириш имконини берди. Гипертензия синдроми ёки талваса реакцияларнинг намоён бўлиши гуруҳларнинг ҳеч бирида кузатилмади.

1-гуруҳ болаларини даволашда анъанавий VIMA индукцион методидан фойдаланилди. Унинг моҳияти шундан иборат эдики, анестезия аппаратининг контури 40% кислород (O2) (2 л/мин) ва 2% севофлурандан иборат газ-наркотик аралашмаси билан олдиндан тўлдирилган эди. Кейин болага бу газ-наркотик аралашмаси билан юз ниқоби орқали нафас олишга рухсат берилди. Ҳушини йўқотгандан сўнг севофлуран концентрацияси 1-1,5% га туширилди ва бола бу аралашмани 5-6 дақиқа давомида керакли анестезия чуқурлигига эришгунга қадар нафас олишни давом эттирди, оғиз бўшлиғига ҳаво ўтказгич киргизилди ёки ларингеал ниқоб ўрнатилди ва бола ўпка сунъий вентиляциясига ўтказилди.

Анестезияга қўшалоқ болюс индукциясининг анъанавий индукцион усулдан фарқи шундан иборатки, O2 ва N_2O оқимида 2% севофлураннинг биринчи болюсидан 2 ва 3 л / мин ўтгач, боланинг уйқуга кетишига олиб келувчи анестетик таъминот тўхтилади. Анестетик аппаратнинг контури 100% O2 билан тозаланди. Бола наркоз аппаратининг контури орқали 3-4 минут давомида бир хил O2 ва N_2O оқимлари билан нафас олишни давом эттирди, лекин ҳавода севофлураннинг концентрацияси эса 2 дан 0.3-0.2% гача камайди. Гиповентиляциянинг ривожланиши билан ёрдамчи ниқобли вентилятор ишлатилган. Севофлураннинг иккинчи болюси, буғлатгич тўлиқ очилган ва олдинги O2 ва N_2O таъминот оқимлари юрак уришининг пасайиши (ЮУ) тўхтаганидан ва частотанинг дақиқасига 2-3 уришдан кейин ортиши бошланган. Такрорий болюснинг давомийлиги 1-1, 5 дақиқа эди. Бу вақт керакли анестезия даражасига эришиш ва беморга ларингеал ниқоб ўрнатиш ва ЎСВ га ўтказиш учун етарли бўлди.

Ўрганилаётган гуруҳ болаларида анестезияни сақлаш бир хил бўлиб, 1-1, 5%) 1,0 л/мин (O2-0,5 л/мин, N_2O - 0,9 л/мин) газ - наркотик аралашмаси оқимида севофлурандан иборат бўлди. Газ анализатори билан анестезия қурилмаси Fabius Plus («Dräger», Германия) ишлатилган. Иккала гурух болала-

рида анестезия давомийлиги бир хилни 95±10 дақиқани ташкил этди. Барча болаларда вентиляция ҳажми нормовентиляцион режимида ишлатилган: нафас олиш охирида карбонат ангидрид даражаси ($etCO_2$) 35-40 мм.сим. уст. эди. Анестезия пайтида мониторинг қуйидаги кўрсаткичларга эга бўлди: юрак тезлиги, қон босими, қонни кислородга тўйинганлиги (SpO_2), $etCO_2$ нафас олиш ва чиқаришда O2, N_2O ва севофлуран концентрацияси, нафас ҳажми (Vt, Tidal Volume), тана ҳарорати, шунингдек электрокардиография.

Натижалар

1-гуруҳ болаларида анестезияга индукция вақтида қўзғалиш босқичи 2-гуруҳ болаларига нисбатан (95% ИИ (ишончлилик интервали) 0,18 дан 0,41 гача) 3,5 марта кўп бўлди. 163 (77.6%) та 1-гуруҳ ва 19 (21.1%)та 2- гуруҳ болаларида ўзгарувчанликнинг турли хил даражасидаги тоник-клоник ҳаракатлар рўйхатга олинган; p<0.001 (1-расм).



1-расм. Ўрганилаётган гуруҳ болаларининг анестезияга индукция вақтида қўзғалиш частотаси.

Анестезиянинг индукция босқичида 2-гуруҳ болаларида ўртача юрак уриш тезлиги 106±12 зарба/дақиқани ташкил этди, бу 1-гуруҳ болаларига нисбатан 21.8% га кўп бўлиб, уларда бу кўрсаткич 87±8 зарба/дақиқани ташкил этди; *p*<0,05 (2-расм).



2-расм. Анестезияга индукция пайтида ўртача юрак қисқаришлар сони. Юрак қисқаришлар сони- ЮҚС.

Брадикардия (ЮҚС 75зарба / дақиқадан кам) 1-гуруҳ беморларида анестезияга индукция босқичида 2-гуруҳ беморларига нисбатан 8 марта кўп бўлган (95% ИИ 0.05-0.32), 1 гуруҳ беморларнинг 76 (36.1%)тасида, 2-гуруҳ беморларининг 4тасида (4.4%) қайд қилинган

(p<0.001). Атропинни вена ичига юборишни талаб қилувчи кучли брадикардия (ЮҚС 60зарба/дақиқа) 1-гуруҳдаги болаларининг 19 (9.04%)тасида қайд этилди. 2 гуруҳидаги беморларда бу даража брадикардия кузатилмади (3-расм).



3-расм. Анестезия индукциясида брадикардия частотаси.

Наркоздан кейинги ажитация частотаси 1 гуруҳдаги болаларда 2- гуруҳдагиларга нисбатан (95% ИИ 0,06—0,52) 5 маротаба кўп учради. Бу кўринишдаги ингаляцион анестезия асорати 1 – гуруҳда 52 (24,7%) та, 2- гуруҳда 4 (4,4%) та қайд қилинди: p<0,006 (4-расм).



4-расм. Наркоздан кейинги ажитация частотаси

Биз томонидан ишлаб чиқилган анестезияга индукцияни икки марта болюс қилиш техникаси иқтисодий жиҳатдан фойдалироқ, чунки ларингеал ниқобни ўрнатиш ва ЎСВга ўтказишдан олдин севофлуранни юқори оқимларда етказиб бериш 1,5-2 дақиқа давом этади (биринчи болюс 30 сония, иккинчиси 1-1, 5 дақиқа). Анъанавий усули билан севофлуранни юқори оқимларда етказиб бериш 4-6 дақиқагача давом этади.

VIMA усули севофлураннинг анестезияга индукцияни икки марта болюс қилиш техникаси прекондицирланган натижани таъминлайди ва брадикардия ривожланиш частотасини, шунингдек болалардаги қўзғалувчанликни ва ажитацияни минималлаштиради. Бизнинг фикримизча, ингаляцион анестезиянинг ушбу усулини қўллаш истиқболлидир, унинг тадқиқотларини давом эттириш зарур.

Адабиётлар

1. Лихванцев В.В., Мироненко А.В., Гребенчиков О.А., Шапошников А.А., Борисов К.В. Ингаляционная индукция в анестезию: специальные показания или рутинная процедура? Хирургия. Журнал им. Н.И. Пирогова. 2013;(9):54-59

2. De Hert S, Moerman A. Sevoflurane. F1000.Research. 2015;4:626.

3. Острейков И.Ф., Бабаев Б.Д., Шишков М.В., Петрова Ж.И., Голов И.Ю., Толасов К.Р. Применение ингаляционных анестетиков севорана и изофлурана у детей. Анестезиология и реаниматология. 2007; (1):11-15.

4. Anesteziya sevofuranom u detej: metodicheskoe posobie. Pod red. prof. Tsypina LE, prof. Lazareva VV. M.: RGMU, 2006. (In Russ.).

5. Brioni JD, Varughese S, Ahmed R, Bein B. A clinical review of inhalation anesthesia with sevoflurane: from early research to emerging topics. Journal of Anesthesia. 2017;31(5):764-778.

6. Veyckemans F. Excitation phenomena during sevoflurane anaesthesia in children. Current Opinion in Anaesthesiology. 2001;14:339-343.

7. Pilge S, Jordan D, Kochs EF, Schneider G. Sevoflurane-induced epileptiform electroencephalographic activity and generalized tonic-clonic seizures in a volunteer study. Anesthesiology. 2013;119:447.

8. Kreuzer I, Osthaus WA, Schultz A, Schultz B. Influence of the Sevoflurane Concentration on the Occurrence of Epileptiform EEG Patterns. PLoS One. 2014;9(2):e89191.

9. Wodey E, Senhadji L, Pladys P, Carre F, Ecoffey C.The relationship between expired concentration of sevoflurane and sympathovagal tone in children. Anesthesia and Analgesia. 2003;97(2):377-382.

10. Kojima A, Kitagawa H, Omatsu-Kanbe M, Matsuura H, Nosaka S. Inhibitory effects of sevoflurane on pacemaking activity of sinoatrial node cells in guinea-pig heart. British Journal of Pharmacology. 2012;166(7):2117-2135.

11. Kundra P, Vinodhadevi V, Arimanickam G. Sevoflurane-induced arrhythmia in an adult and a child. Journal of Anaesthesiology, Clinical Pharmacology. 2011;27(2):269-271.

12. Townsend P, Stokes MA. Bradycardia during rapid inhalation induction with sevoflurane in children. British Journal of Anaesthesia. 1998;80(3):410.

13. Lazarev VV, Tsypin LE. Syndrome of postnarcotic agitation with inhaled anesthesia with sevoflurane in children. Anesthesiology and Reanimatology. 2010;(1):62-66. (In Russ.).

14. Tumanyan SV, Semiletkina EYU, Rozenko DA. Syndrome of postanaesthetic agitation and its prophylaxis in case of anesthesia with sevoflurane in pediatric oncology. Vestnik intensivnoj terapii. 2017;(2):31-36. (In Russ.).

15. Veyckemans F. Excitation and delirium during sevoflurane anesthesia in pediatric patients. Minerva Anestesiologica. 2002;68(5):402-405

16. Sikich N, Lerman J. Development and Psychometric Evaluation of the Pediatric Anesthesia Emergence Delirium Scale. Anesthesiology. 2004;100:1138- 1145.

17. da Silva LM, Braz LG, Módolo NS. Emergence agitation in pediatric anesthesia: current features. Jornal de Pediatria. 2008;84(2):107-113.

18. Bortone L, Ingelmo P, Grossi S, Grattagliano C, Bricchi C, Barantani D, Sani E, Mergoni M. Emergence agitation in preschool children: doubleblind, randomized, controlled trial comparing sevoflurane and isoflurane anesthesia. Paediatric Anaesthesia. 2006;16(11):1138-1143.

19. Locatelli BG, Ingelmo PM, Emre S, Meroni V, Minardi C, Frawley G, Benigni A, Di Marco S, Spotti A, Busi I, Sonzogni V. Emergence delirium in children: a comparison of sevoflurane and desflurane anesthesia using the Paediatric Anesthesia Emergence Delirium scale. Paediatric Anaesthesia. 2013;23(4):301-308.

20. Levchenkova OS, Novikov VE. Possibilities of pharmacological preconditioning. Vestnik RAMN. 2016;71(1):16-24. (In Russ.).

Бекназаров А.Б., Сатвалдиева Э.А., Ҳайдаров М.Б., Маматқулов И.Б.

НОВАЯ ИНСТРУКЦИЯ ПО ВВЕДЕНИЮ СЕВОФЛУРАНА И ВВОДУ В АНЕСТЕЗИЮ У ДЕТЕЙ

Ключевые слова: дети, севофлуран, анестезия, индукция

Сравнение эффекта традиционного ингаляционного метода и метода применения ВИМА (летучей индукционной и поддерживающей анестезии) и частоты развития ажитации, брадикардии и ажитации у детей при использовании новой методики ВИМА при двухболусной индукции севофлураном. Исследование проводилось в клинике Ташкентского педиатрического медицинского института. Исследование является ретроспективным и многообещающим. Проведен клинический анализ 245 анестезиологических приемов севофлура-

ном (традиционная методика ВИМА) у детей с неврологической симптоматикой различной урологической, хирургической и офтальмологической патологии. Метод ВИМА, двухболюсная методика индукции севофлюрана в анестезию, обеспечивает предусловный результат и минимизирует частоту развития брадикардии, а также ажитацию и ажитацию у детей. На наш взгляд, использование данного метода ингаляционного наркоза перспективно, необходимо продолжить его исследования.

Beknazarov A.B., Satvaldieva E.A., Xaydarov M.B., Mamatkulov I.B.

NEW INSTRUCTIONS FOR THE INTRODUCTION OF SEVOFLURANE AND INTRODUCTION TO ANESTHESIA IN CHILDREN

Key words: children, sevoflurane, anesthesia, induction.

Comparison of the effect of the traditional inhalation method and the method of using IMMA (flying induction and maintenance anesthesia) and the incidence of agitation, bradycardia and agitation in children using the new IMMA technique with two-bolus induction with sevoflurane. The study was conducted in the clinic of the Tashkent Pediatric Medical Institute. The study is retrospective and promising. A clinical analysis of 245 anesthetic procedures with sevoflurane (traditional VIMA technique) in children with neurological symptoms of various urological, surgical and ophthalmic pathologies was carried out. The VIMA method, a double-bolus technique of induction of sevoflurane to anesthesia, provides a preconditioned result and minimizes the frequency of bradycardia development, as well as agitation and agitation in children. In our opinion, the use of this method of inhalation anesthesia is promising, it is necessary to continue its research.

Маматқулов И.Б.,Сатвалдиева Э.А., Бекназаров А.Б., Ҳайдаров М.Б.

БОЛАЛАР АНЕСТЕЗИОЛОГЛАР ВА РЕАНИМАТОЛОГЛАРДА КАСБИЙ ЗЎРИҚИШ СИНДРОМИ

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Тадқиқод мақсади. Анестезиологлар ва реаниматологлар орасида касбий зўриқиш синдромининг (КЗС) тарқалишини Ўзбекистон мисолида ўрганиш.

Материал ва услублар. Maslach Bumout Inventor (MBI) бўйича -тиббиёт ходимларидан 130 анестезиолог-реаниматологлар (71 – Тошкентда, 59-вилоятларда; 52 аёллар ва 78 эркаклар) Н. Е. Водопянова томонидан олиб борилган аноним сўровномасида иштирок этишди. Ёшга қараб барча респондентлар олти гуруҳга бўлинди. Назорат гуруҳи (таққослаш) 23 ёшдан 35 ёшгача бўлган ТошПТИ клиникаси анестезиология ва реанимация бўлимининг 17 нафар ходимидан иборат бўлди.

Натижалар. Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, анестезиолог-реаниматологларнинг кундалик иш фаолияти, албатта, касбий муҳим зарари борлиги ва юқори масъулият билан боғлиқ эканлигини, катта иш миқдорининг бажарилиши, уйқусиз навбатчиликнинг мавжудлиги, шахсий деформацияларини шакллантириш ва «нормал турмуш тарзини сақлаган ҳолдаги қийинчиликлардаги стресс»ни ривожлантириш намоён бўлганлигини кўрсатади.

Ҳозирги вақтда тиббиётнинг энг муҳим ижтимоий муаммоларидан бири касбий чарчоқ ёки касбий зўриқиш синдроми (КЗС) деб аталиши мумкин, бу биринчи навбатда одамларга ёрдам бериш билан боғлиқ касблар (тиббиёт ходимлари, ўқитувчилар, психологлар, ижтимоий ишчилар ва бошқалар.) [1,3,4]. Бу муаммога бағишланган дастлабки асарлар ўтган асрнинг 70-йилларида АҚШда пайдо бўлди. 1974-йилда муқобил соғлиқни сақлаш тизимида ишлаган америкалик психолог ва психиатр Х. Ж. Фреуденбергер [2,7] ўзи ва ҳамкасблари учун чарчоқни, мотивация ва масъулиятни йўқотишни ўз ичига олганлиги тўғрисидаги ҳодиса кузатилганлигини ёзган. Бу ҳодиса «burnout» (зўриқиш) деб аталган. Касбий зўриқиш белгилари узоқ муддатли стресс ва руҳий юкланиш мавжудлигининг характерли хусусиятларини кўрсатиб беради, бу эса ишлайдиган шахснинг турли ақлий соҳаларининг дезинтеграциясига ва энг аввало ҳиссиётга олиб келади [1,5,8].

ЖССТ таърифига кўра (2011),»зўриқиш синдроми” (burnout syndrome) – физик, ҳис-

сиёт ёки мотивацион чарчоқлик, иш унумдорлиги ва чарчаш, уйқусизлик, соматик касалликларга таъсир қилиш, шунингдек, вақтинчалик ёрдам олиш учун спиртли ичимликлар ёки бошқа психоактив препаратлардан фойдаланиш, бу эса физиологик қарамликни ва баъзи ҳолларда ўз жонига қасд қилиш кайфиятини ривожлантиришга олиб келади. Ушбу синдром одатда оилавий ҳаёт ёки дам олиш билан бирга шафқатсиз ишлаб чиқариш ва ортиқча садоқатдан келиб чиқадиган ҳиссий талабларга жавобан стресс реакцияси сифатида қаралади. Дастлаб «burnout» ўз-ўзини қадрламаслик ҳисси билан толиқиш ҳолати деб тушунилган бўлса, кейинчалик у бир маъноли ва кўпкомпонентли бўлиб уни ўрганишда муҳим қийинчиликларга сабаб бўлди. Бугунги кунда «зўриқиш»билан боғлиқ юзга яқин турли симптомлар бор. В Perlman, E.A. Hartman 1982 йилда «зўриқиш» кўплаб таърифларни ва унинг уч асосий компонентларини белгилаб беришдилар: ҳиссий толиқиш, деперсонализация ва редукция -шахсий ютуқлари камайтириш [6,9]. Шундай қилиб, W.N. Blikbem (2003) маълумотларига кўра, касбий деформациялари оқибатлари анестезиолог - реаниматологларда ўзига хос ҳиссий толиқиш бошқа мутахассисларга нисбатан тез-тез етти марта кўпроқ содир бўлади ва фақат психиатрлар анестезиолог-реаниматологларнинг жонига қасд қилишга уринишлар сонини четлаб ўтган [10].

Тадқиқот мақсади - анестезиологлар ва реаниматологлар орасида касбий зўриқиш синдромининг (КЗС) тарқалишини Ўзбекистон мисолида ўрганиш.

Материаллар ва услублар

Maslach Bumout Inventor (MBI) бўйича -тиббиёт ходимларидан 130 анестезиолог-реаниматологлар (71 – Тошкентда, 59-вилоятларда; 52 аёллар ва 78 эркаклар) Н. Е. Водопянова томонидан олиб борилган аноним сўровномасида иштирок этишди [5]. Ёшга қараб барча респондентлар олти гуруҳга бўлинди (1-жадвал). Назорат гуруҳи (таққослаш) 23 ёшдан 30 ёшгача бўлган ТошПТИ клиникаси анестезиология ва реанимация бўлимининг 17 нафар ходимидан иборат бўлди.

1-жадвал

Респондентларнинг ёш гурухлари бўйича тақсимланиши

Гурух	Тошкент шаҳри шифокорлари		Вилоятдаги шифокорлар		Умумий абс. (%)
	Э, абс. (%)	А, абс. (%)	Э, абс. (%)	А, абс. (%)	
30 ёшгача	7 (9,8 %)	8 (11,2 %)	7 (11,5 %)	6 (9,8 %)	28 (21,2 %)
31–35 ёш	6 (8,5 %)	5 (7,0 %)	5 (8,2 %)	3 (4,9 %)	19 (14,4 %)
36–40 ёш	6 (8,5 %)	7 (9,8 %)	2 (3,3 %)	4 (6,5 %)	19 (14,4 %)
41–45 ёш	8 (11,2 %)	1 (1,4 %)	7 (11,5 %)	-	16 (12,1 %)
46–50 ёш	3 (4,2 %)	8 (11,2 %)	10 (16,4 %)	1 (1,6 %)	22 (16,7 %)
50 ёшдан катта	6 (8,5 %)	6 (8,5 %)	11 (18,0 %)	3 (4,9 %)	26 (19,7 %)
Умумий	36(50,7 %)	35 (49,3 %)	42 (72,1 %)	17 (27,9 %)	130 (100 %)

Сўров натижалари 3 та шкала бўйича баҳоланди:

1-шкала ҳиссий толиқишни (кечинмалар, эмоционал туснинг пасайиши, атроф-муҳитга қизиқишнинг йўқолиши ёки эмоционал тўйиниш, агрессив реакциялар, ғазабнинг кучайиши, депрессия аломатларининг пайдо бўлиши) баҳолайди.

2-шкала деперсонализация (бошқа одамлар билан муносабатларни деперсонализация қилиш, бошқаларга қарамликнинг ортиши ёки аксинча, негативизм, беморларга нисбатан муносабат ва ҳис-туйғуларнинг кўнимсизлиги) мавжудлигини аниқлайди.

3-шкала шахсий ютуқлари камайтириш (ўз-ўзини салбий баҳолаш тенденцияси, унинг ютуқлари аҳамиятини камайтириш, уларнинг салоҳиятини чегараси, вазифаларига боғлиқ негативизм, ўзига баҳо бериш ва касбий мотивация, ўз-ўзига ҳурматни камайтириш, маъсулятни ўзидан соқит қилиш ёки ўзидан четлатиш). Сўров натижаларини баҳолаш қуйидаги «калит» билан таққосланди.(2-жадвал)

2- жадвал

Касбий чарчаш даражасини баҳолаш

Кичик ўлчов	Зўриқиш даражасини баҳолаш		
	Паст даража	Ўрта даража	Юқори даража
Хиссий чарчоқ	0–15	16–24	25 ва ундан юқори
Деперсонализация	0–5	6–10	11 ва ундан юқори
Шахсий ютуқларни камайтириш	37 ва ундан катта	31–36	30 ва ундан кичик

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш Statistica 6.0. ёрдамида амалга оширилди. Сўров баллари натижалари median кўринишида ва интерквартил оралиғи (25 ва 75%) сифатида тақдим этилади. Гуруҳлар ўртасидаги фарқларни баҳолаш учун Уилкоксон мезони қўлланилди ва фарқлари $p<0,05$ статистик белгилар билан ҳисобланди.

Натижалар ва муҳокама

Тадқиқот давомида олинган натижалар анестезиологлар ва реаниматологлар орасида КЗС нинг турли кўринишларини жуда кенг тарқалганини кўрсатади. Шундай қилиб, ёш аҳоли ўртасида эмоционал толиқиш кўрсаткичи 20 (17-26) баллни ташкил этиб, Тошкент – 24 (20-30) балл (п = 0.026) ва вилоятларда -24 (20-31) балл (п = 0.224) (3-жадвал) даги анестезиологларга нисбатан статистик жиҳатдан анча паст бўлди. Шу билан бирга барча ўрганилган гуруҳларда эмоционал толиқиш кўрсаткичлари қийматлари КЗС намоён бўлишининг ўртача даражасига мос келди (паст даражаси-15 баллгача; ўртача даража-16-24 балл; юқори даража-25 баллдан ортиқ).

3-жадвал

Тошкент шаҳри ва вилоят шифокорлари КЗС кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Кичик ўлчовлар			Умумий балл
	Хиссий чарчоқ	Деперсона лизация	Шахсий ютуқларни камайтириш	
Ординаторлар	20 (17–26)	13 (11–16)	33 (28–40)	67 (63–72)
Тошкент шаҳри	24 (20–30) p = 0,026	15 (12–18) p = 0,039	34 (31–38) p = 0,124	75 (68–83) p = 0,014
Вилоятлар	24 (20–31) p = 0,224 p1 = 0,601	16 (14–18) p = 0,029 p1 = 0,611	38 (33–43) p = 0,619 p1 = 0,007	78 (72–84) p = 0,084 p1 = 0,122

Илова: p – назорат гуруҳи билан фарқларнинг аҳамияти (ординаторлар); p1 – Тошкент ва вилоятдаг шифокорлар гурухи ўртасидаги фарқларнинг ахамияти

При изучении возможных модулей повышения квалификации по ИКТ грамотности был изучен как международный, так и национальный опыт краткосрочных курсов повышения квалификации. За базовый план был взят опыт Европейского Союза - European Computer Driving Licence (ECDL — Европейские компьютерные права, также известен под названием ICDL — Международные компьютерные права[1]) — независимая международная сертификация навыков владения персональным компьютером.

Сертификат ECDL является общепринятым в Европе и США стандартом, подтверждающим, что его обладатель знаком с

1 https://icdleurope.org/

основными концепциями информационных технологий, умеет пользоваться персональным компьютером и наиболее распространенными приложениями. На период до 2020 года тестирование прошли более 12 миллионов человек в 148 странах мира.

Сама модульная программа была адаптирована к условиям и требованиям Республики Узбекистан и с учетом медицинской специфики. Нами предлагается рассмотреть возможность прохождения вышеперечисленных модулей в рамках повышения квалификации для эффективного использования Национальной Системой Электронного Здравоохранения. Вместе с тем, для более плодотворной работы по повышению квалификации мы считаем необходимым условием проведение предварительного тестирования всех медицинских сотрудников Сырдарьинской области, для определения уровня владения ИКТ грамотностью. После чего необходимо будет создать индивидуальный график повышения квалификации с учётом одного из выше предложенных способов организации курсов повышения квалификации.

Для полноценного внедрения и функционирования HIS системы мы рекомендуем следующее минимальное прохождение курсов повышения квалификации для медицинских сотрудников государственных ЛПУ как на уровне ПМСП, так и на уровне специализированной помощи.

1. Для руководящих кадров и представителей администрации ЛПУ в обязательном порядке является участие в обучении 1-4 модуля;

2. Для медицинских работников с высшим образованием в обязательном порядке является участие в обучении 1, 3, 6 и 7 модуля;

3. Для медицинских работников со средним образованием в обязательном порядке является участие в обучении 1, 3 и 6 модуля;

4. Для инженеров ИКТ и технических сотрудников в обязательном порядке является участие в обучении 1-5, 9 модуля.

Тем не менее, наиболее оптимальное повышение квалификации, на взгляд экспертов будет заключаться в прохождении всех 10 модулей, а также создание периодической сертификации всех медицинских работников на предмет владения ими необходимым уровнем ИКТ грамотности.

Таким образом, с учетом Европейского опыта сертификации и повышения квалификации медицинских работников в области ИКТ грамотности в рамках Постановления Кабинета Министров №273, мы предлагаем следующую учебную программу в зависимости от уровня владения ИКТ грамотностью медицинского персонала в Сырдарьинской области (см. таблицу).

Структура учебной программы

Наименование профессиональных модулей	Обязательная аудиторная учебная нагрузка (кредитов)		Самостоятельная работа обучающихся (кредитов)		Всего кредитов за модуль
	Всего	В том числе практика	Всего	В том числе консультации	
Основы информационных технологий в здравоохранении	10	8	2	1	12
Система планирования и управления ресурсами ЛПУ	10	5	2	1	12
Интернет-технологии в медицине и коммуникация	10	5	2	1	12
Современные медицинские технологии	10	5	2	1	12
Меры обеспечения информационной безопасности системы здравоохранения	10	5	2	1	12
Работа на компьютере. Основные операции управления файловой системой	10	8	2	1	12
Обработка текстов	10	8	2	1	12
Электронные таблицы	10	8	2	1	12
Базы данных	10	8	2	1	12
Презентация	10	8	2	1	12
Всего по программе курса	100	68	20	10	120

Рис. 1. Централизованное повышение квалификации по ИКТ грамотности

1. Создается координирующий орган в облздраве, который определяет 2 основных поставщика услуг по повышению квалификации в области ИКТ грамотности;

2. Первый из которых – филиал Центра повышения квалификации врачей и второй одна из областных больниц, центров или филиалов Республиканских учреждений, на базе которой есть необходимое количество компьютеров (не менее 20 компьютеров);

3. Центр будет отвечать за повышение квалификации руководящих работников, администрации и врачей Сырдарьинских ЛПУ, а Больница – за средний и медицинский персонал и фармацевтов;

4. Содержание учебных модулей для всех медработников и ИТ специалистов согласовывается с Минздравом (см. рекомендуемые модули);

5. В Центре – в первую очередь обучаются руководящие работники и администрация, затем только врачи, начиная с врачей ВОП и далее переходя к узким специалистам;

6. В Больнице в первую очередь обучаются главные медсестры, регистратура и фармацевты, затем подключаются остальные сотрудники со средним медицинским образованием;

7. Для запуска системы рекомендуется начать подготовку медицинских работников как можно раньше, а с учетом того, что данные часы войдут в объем часов необходимый для получения категории, то мотивация должна быть довольно высокой;

8. Обучение рекомендуем проводить без отрыва от работы, то есть после рабочего дня в размере 3 академических часов с одним перерывом, таким образом 1 модуль займет – 5 рабочих вечеров (1 неделя);

9. Для расчёта возьмем примерно 100 ЛПУ, в каждом в среднем 2 руководящих сотрудника и 1 администрация (которые нуждаются в повышении квалификации), итого 3 человека или 300 руководящих сотрудников, которые должны пройти каждый не менее 2 модулей, необходимых для запуска системы. Имея 20 компьютеров для практической работы за 2 недели, мы можем обучить 1 группу из 20 человек. Таким образом, при этой схеме понадобится 300/20 – 15 групп по 20 участников, которые умножаем на 2 недели = 15х2=30 недель непрерывного обучения в Центре;

10. После чего Центр, приступает к обучению врачей, если мы сохраняем свое решение обучать только после работы либо мы используем Центр с полной загрузкой и до вечерних занятий прогоняем 2 группы врачей по 20 человек (до и после обеда);

11. В этом случае, мы можем обучать 40 врачей за две недели. Так как врачей, которые нуждаются в повышении квалификации по ИКТ допустим будет половина от численно-

сти в 1000 человек (данные по 36 ЛПУ дали примерно такой процент по самооценке) – 500 человек, то нам понадобится 500/20=25 групп чтобы обучить их для запуска системы. 2 группы врачей в неделю это 13 недель непрерывного обучения в Центре.

12. Параллельно в Больнице идет обучение главных медсестер – 100 чел, регистраторов – 100 чел и фармацевтов 100 чел. Итого 300 человек, которые будут обучиться в свободное от работы время и также 3 академических часа. Что соответствует объему обучения руководящих работников, но с отличием в модулях. Имея 20 компьютеров для практической работы за 2 недели, мы можем обучить 1 группу из 20 человек. Таким образом, при этой схеме понадобится 300/20 – 15 групп по 20 участников, которые умножаем на 2 недели = 15х2=30 недель непрерывного обучения в Больнице;

13. Что касается остальных средних медработников, то их мы также предлагаем обучить не менее 500 человек, что соответствует объему обучения врачей и также до и после обеда. 500/20=25 групп чтобы обучить их для запуска системы. 2 группы среднего медперсонала в неделю — это 13 недель непрерывного обучения в Больнице.

14. Таким образом, с учетом того, что не менее 10% не смогут прийти на обучение по тем или иным причинам, мы рекомендуем заложить не мнее 4 мес или 16 недель на обучение 1600 человек, которые нуждаются в повышении квалификации.

Преимущества:

1. Можно гарантировать качество обучения, поскольку можно отобрать лучших преподавателей;
2. Легче координировать сбор участников и контроль усвояемых знаний;
3. Можно полноценно наладить учебный процесс, с использованием всех практических занятий;
4. Легче контролировать претесты и постесты, а также результаты экзаменов на владение ИКТ грамотностью.

Недостатки:

1. Большая нагрузка на преподавателей;
2. Могут быть сложности с посещением занятий в рабочее время;
3. Долгий срок обучения всех медработников.



Рис.2. Децентрализованное повышение квалификации по ИКТ грамотности

1. Создается координирующий орган в облздраве, который определяет основных поставщика услуг по повышению квалификации в области ИКТ грамотности среди образовательных учреждений Сырдарьинской области и у которых есть преподаватели в области ИКТ грамотности;
2. После чего, координатор определяет не менее 10 центров, с которыми будет запланирована работа по повышению квалификации;
3. Если предположить, что координатор сможет договориться выделить эти центры для работы только в вечернее время (так как образовательные учреждения работают примерно до 16.00), то эти 10 центров смогут при-

нять только 1 группу из 20 человек согласно первому примеру выше или 200 чел в день. Таким образом, для обучения 10 групп – 2 нед, А для обучения 1800 сотрудников по 20 чел в каждом надо организовать 90 групп. Получается четыре месяца непрерывного обучения, а с учетом рисков рекомендуется заложить 5 мес.

Преимущества:

1. Удобство для участников, поскольку учеба будет проводиться по месту дислокации;

2. Если найти не 10 центров для обучения, а, например 20 центров, то сроки обучения существенно снизятся.

Недостатки:

1. Сложно гарантировать одинаковое качество;

2. Сложная координация групп и контроля посещения;

3. Трудности в договорах с поставщиками услуг.



Рис. 3.Самостоятельное повышение квалификации по ИКТ грамотности

1. Создается координирующий орган в облздраве, который определяет индикаторы сертификации по повышению квалификации в области ИКТ грамотности и проводит тестирование для определения готовности к работе в электронной системе здравоохранения;

2. После чего, координатор определяет тех специалистов, которым надо пройти обучение и дает список авторизированных центров повышения квалификации по ИКТ;

3. Далее медработники самостоятельно осуществляют повышение квалификации и проходят следующую сертификацию в облздраве.

Преимущества:

1. Удобство для участников, поскольку учеба будет необходима только тем, кто не сдаст тесты по сертификации ИКТ грамотности;

2. Координатор будет вести только учет сдавших сертификацию и нуждающихся в обучении, то есть не сложная координация.

Недостатки:

1. Медицинский персонал вынужден самостоятельно искать курсы повышения квалификации и их оплачивать со своего кармана;

2. Необходимо создать Центр ИКТ сертификации при облздраве и подготовить необходимые тесты;

3. Контролировать тех работников, кто не сдал сертификацию и мотивировать их пройти обучение и пройти сертификацию еще раз.

ECDL завоевал репутацию стандарта цифровой грамотности во многих странах. Крупнейшими пользователями ECDL в общем количестве являются Великобритания

и Италия. В последней все школьники проходят обучение по ECDL. В обеих странах государственные департаменты образования предоставляли финансирование различными способами. ECDL также хорошо работает в социальном смысле, поскольку используется в системе повышения квалификации медицинских работников в больницах стран ЕС. ICDL продолжает успешно внедряться во всем мире, совсем недавно он был принят в Кении, где министр информации и коммуникаций объявил, что ICDL станет единственной признанной правительством компьютерной сертификацией начального уровня, с помощью которой можно продемонстрировать компетентность в использовании компьютера. ICDL был принят в Иордании, где все учителя должны получить ECDL, и ПРООН в качестве стандарта для обучения персонала на протяжении всей программы развития.

Успех ECDL обусловлен многими факторами, которые способствовали его признанию во всем мире. Первоначально слово “европейский” в названии помогло придать сертификации определенную степень достоверности, прежде чем она получила широкое признание. ECDL был разработан и первоначально распространялся через общества - члены ассоциаций компьютерной грамотности стран ЕС, что имело важное значение в получение признания со стороны правительственных органов. Этика и профессиональный статус Обществ-членов добавили доверия к сертификации и гарантировали постоянное поддержание качества и стандартов.

Таким образом, разработанные нами предложения и рекомендации для повышения квалификации по ИКТ и цифровизации медицинских работников имеют солидную теоретическую, практическую и доказательную базу.

Литература

1. Постановление Президента Республики Узбекистан за №ПП-4310 «О мерах по дальнейшему развитию системы медицинского и фармацевтического образования и науки». Национальная база данных законодательства, от 06.05.2019 г. № 07/19/4310/3100, 01.01.2020 г., № 07/20/4554/0014, 11.02.2020 г., № 07/20/4592/0150, 15.02.2020 г., № 07/20/4598/0170, 04.12.2020 г., № 07/20/4911/1594, 24.02.2022 г., № 06/22/78/0163;
2. Постановление Президента Республики Узбекистан за №ПП-4666 «О мерах по внедрению совершенно новой системы подготовки и непрерывного профессионального развития кадров в медико-санитарной сфере». 07.04.2020 г. № 07/20/4666/0402; 25.12.2021 г., № 07/21/61/1195;

Leahy, D., Dolan, D. (2010). History of the European Computer Driving Licence. In: Tatnall, A. (eds) History of Computing. Learning from the Past. 2010. IFIP Advances in Information and Communication Technology, vol 325. Springer, Berlin, Heidelberg. https://doi.org/10.1007/978-3-642-15199-6_14

Occhini, G.: ECDL the Take off years, Upgrade (4) (August 2009), http://www.cepis-upgrade.org/issues/2009/4/up10-4Occhini_OnlinePDF.pdf

Computer Driving License to the rescue, http://www.e.finland.fi/netcomm/news/showarticle3511.html?intNWSAID=40488

The ECDL Foundation, http://www.ecdl.org/publisher/index.jsp?p=94&n=609

Даминова К.М.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА АКТ ВА РАҚАМЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ

Калит сўзлар: рақамлаштириш, АКТ кўникмалари, касбий ривожланиш, соғлиқни сақлаш, Европа компютер ҳайдаш лицензияси

Ушбу тадқиқотда мақола муаллифи АКТ ва рақамлаштириш бўйича тиббиёт мутахассисларининг малакасини ошириш вариантларини кўриб чиқишни таклиф қилади. Ўзбекистон Республикасида тиббий таълимни тартибга солувчи асосий норматив ҳужжат Президент Фармони №. ПҚ-4310 06.05.2019 йилдаги «тиббий ва фармацевтика таълими ва фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 07.04.2020 йилдаги. ПҚ - 4666»тиббий-санитария соҳасида кадрлар тайёрлаш ва узлуксиз малакасини оширишнинг мутлақо янги тизимини жорий етиш чора-тадбирлари тўғрисида». Бу ҳужжатларда Ўзбекистон Республикаси тиббий таълимининг қоидалари ва меъёрлари, шу-

нингдек, тиббиёт ходимларининг узлуксиз малакасини ошириш шарт-шароитлари ва талаблари белгиланган. Шу билан бирга, бизнинг фикримизча, нафақат олий маълумотли, балки ўрта-махсус маълумотли тиббиёт ходимларининг АКТ соҳасидаги малакасини ошириш-нинг аниқ стратегияси мавжуд емас. Шу муносабат билан Европа Иттифоқи - European Computer Driving Licence (ECDL — Европа компютер ҳайдаш лицензияси) тажрибасини амалга ошириш имкониятини кўриб чиқиш таклиф этилади.

Daminova K.M.

MEDICAL STAFF PROFESSIONAL DEVELOPMENT IN ICT AND DIGITALIZATION ON THE EXAMPLE OF THE SYRDARYA REGION

Key words: digitalization, ICT competencies, professional development, healthcare, European Computer Driving Licence

In this study, the author of the article suggests considering options for improving the skills of medical professionals in ICT and digitalization. The main regulatory document that regulates medical education in the Republic of Uzbekistan is Presidential Decree No. PP-4310 dated 06.05.2019 “On measures for the further development of the system of medical and pharmaceutical education and science” and dated on 07.04.2020 No. PP-4666 “On measures to introduce a completely new system of training and continuous professional development of personnel in medical- sanitary sphere”. These documents establish the rules and norms of medical education of the Republic of Uzbekistan, as well as the conditions and requirements for continuous professional development of medical personnel. At the same time, in our opinion, there is no clear strategy for improving the skills of medical workers in the field of ICT, not only with higher education, but also with secondary-special education. In this regard, it is proposed to consider the possibility of implementing the experience of the European Union - European Computer Driving License.

Рўзиев Ш.И., Ибрагимов Б.И.

БОЛАЛАРДА БОШ МИЯ ЖАРОХАТЛАНИШЛАРИНИ МОРФОЛОГИК БАҲОЛАШНИНГ СУД-ТИББИЙ МЕЗОНЛАРИ

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Тадқиқот мақсади. Болаларда бош мия жарохатланишларини морфологик ўзгаришларига асосланиб содир бўлган тан жарохатларини муддатини аниқлашнинг суд-тиббий мезонларини ишлаб чикиш.

Материаллар ва услублар. 2020-2021 йилларда Ўз.Рес. ССВ СТЭ Бош бюроси архивидан 5-15 ёшлардаги 43 нафар (29 нафари эркак жинсига, 14 нафари аёл жинсига мансуб бўлган) жароҳатланганларни суд-тиббий экспертиза хулосаларининг таҳлили.

Натижалар. Суд тиббиёти амалиётида бош мия жарохатларини, тан жароҳатларининг учраш частотаси, уларнинг характери, ушбу тан жарохатларини юзага келиш механизмини ўрганиш ва ушбу тан жароҳатларни қиёслашдир.

Бутун жахон соҳлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра дунёда болалар ўртасида бош мия жарохатланишлари (БМЖ) тез-тез учраб туриши аниқланган. Ушбу жарохатланишлар кечишининг оғирлиги, ташхис қўйишда қатор қийинчиликларнинг мавжудлиги ва кўп ҳолларда оқибати ўлим билан тугаши сабабли суд тиббиётининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб хисобланади [2,4,9].

Бош мия жарохатланишлари оғир ва тез-тез учраб турувчи шикастланишлар қаторига кириб, миқдори сусайишига мойиллиги йўқ эканлиги адабиётларда ўз исботини топган. Ваҳоланки аслида ҳар бир йўл транспорт ходисаси БМЖ билан бирга кузатилади [5,6].

Ушбу жарохатланишлардан халок бўлаётганлар асосан эркаклар бўлиб, уларни мехнатга лаёқатли ёшдалиги эса муаммога нафақат тиббий балки ижтимоий маъно беради. БМЖ организмга генерализациялашган таъсир этиб, умумий адаптацион реакциялар билан яъни комплексли патофизиологик, биокимёвий ва морфофункционал ўзгаришларни фақат шикастланиш ўчоғида эмас, шунингдек нерв, эндокрин, юрак қон томир тизимига ва

бошқа аъзоларга нисбатан таъсири билан намоён бўлади [1,3,8].

Тадқиқот мақсади - болаларда бош мия жарохатланишларини морфологик ўзгаришларига асосланиб содир бўлган тан жарохатларини муддатини аниқлашнинг суд-тиббий мезонларини ишлаб чикиш.

Материаллар ва услублар

2020-2021 йилларда Ўз.Рес. ССВ СТЭ Бош бюроси архивидан 5-15 ёшлардаги 43 нафар (29 нафари эркак жинсига, 14 нафари аёл жинсига мансуб бўлган) жароҳатланганларни суд-тиббий экспертиза хулосаларининг таҳлили.

Натижалар ва муҳокама

Ушбу масалаларни хал қилиш мақсадида морфологик ва статистик усуллар ёрдамида амалга оширилди.

Кузатувлар жараёнида БМЖ натижасида ўлим жуда кўп ҳолатларда 22 (50%) йўл транспорт ходисаси туфайли оғир БМЖ и натижасида юзага келган. 11 (25%) холатларда маиший турмуш жарохатларига тўғри келса, 4 (10%) да юқоридан йиқилиш натижасида жарохат олинган. Темир йўл ходисаси туфайли жарохатлар 4та (10%) да кузатилган, қолган 5% ходисаларнинг сабаби аниқланмаган жароҳатларга тўғри келган (1-расм).



1-расм. Жарохатларни тақсимланиши (% ларда)



2-расм. Очиқ ва ёпиқ бош мия жароҳатларини % ларда тақсимоти

Болаларда кузатувлар жараёнида БМЖ-ни ёпиқ тури 70% холатларда учраган, 15% холатларда очиқ, лекин тешиб ўтувчи бўлмаган жарохатлар кўриниши билан ифодаланган бўлса, қолган 15% тешиб ўтувчи, яъни қаттиқ мия пардаларини бутунлигини бузилиши билан ифодаланган жарохатлар аниқланган (2-расм).



3-расм. Қон қуйилишалрини турли аъзоларда учраш частотаси % да

Ушбу локализациядаги зарба ва антизарбага мос равишда турлича қон қуйилиш ўчоқлари аниқланди. Шулардан кўп қисми 65% холатда мияни юмшоқ пардаларига ва мия тўқимасига қон қуйилиши кузатилган 20% холатларда мия пардаларига ва мия қоринчаларига қон қуйилиши, мияни юмшоқ пардалари остига қон қуйилиши эса 10 % холатларда учраган, 5% холатларда қон қуйилиши мияни юмшоқ пардалари остига, субдурал, шунингдек мия қоринчаларига қон қуйилиши кузатилган (3-расм).

Шунингдек кузатувларимиз давомида лат ейиш сохалари кенг қон қуйилиш билан кечган бўлиб турли гематомаларни хосил қилган. Шунингдек улар (22,14%) холатларда калла суягини асосини ва гумбазини синиши билан бирга кечган.



4-расм. Жарохат натижасида бош мия қаттиқ пардасидаги қон қуйилишлари

Кузатувлар жараёнида экспертиза хулосаларида бир нечта жабрланувчиларда тери қопламаси ва юмшоқ тўқималарнинг оғришига шикояти бўлган ҳолатлар кузатилганда тўқима ичи қон кетиши ва гематомасини аниқлаш мақсадида УТТ ўтказилганлиги хам аниқланди.

Суд тиббий текширувларда турли муддатда ва турли ёшдаги гурухдаги БМЖ жарохатларнинг патоморфологик ўзгаришлар хусусиятлари ўрганилди.

Бош мия жарохатларида суд-тиббий экспертизасини ўтказилишида хаддан зиёд таъсир этувчи омиллар таъсиротларига нисбатан, жавобан аъзоларда морфологик ўзгаришлар юзага келишини инобатга олиш керак.

Улар умумий адаптацион синдроми фазаларига мос, маълум бирин-кетинликда юзага келиши бош мия жарохатини юзага келган муддатини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Адабиётлар

1. Баринов Е.Х. Установление прижизненности и давности механической травмы в детском возрасте по изменению толщины капсулы вилочковой железы. Современные вопросы судебной медицины. Ижевск. 1994:100-101.
2. Баринов Е.Х, Соловьева М.О., Ромодановский П.О., Мальцев С.В. К вопросу о диагностике прижизненности механических повреждений по состоянию микроциркулярного русла фасции голени и капсулы вилочковой железы в детском возрасте. Проблемы экспертизы в медицине. М., 2001;1(4):36-37.
3. Гайворонская В.И. Сравнительный анализ частоты возникновения повреждений мягких тканей, костей и внутренних органов грудной клетки при травмах от падения с высоты и столкновения движущегося автомобиля с пешеходом. Судеб-мед. экспертиза. 1997;4:11-14.
4. Гридасов Е.В., Виноградов О.В. К вопросу экспертной оценки морфодинамики посттравматических реактивных изменений. Материалы У1 Всероссийского съезда судебных медиков, посвященного 30-летию Всероссийского общества судебных медиков. Москва-Тюмень. 2005:77.
5. Качина Н.Н. Исследование глюкозы и гликированного гемоглобина при экспертной оценке гликемического статуса потерпевших в случаях насильственной смерти: Автореф. дисс. ... канд. мед. наук. М., 1993.
6. Зороастров О. М. Экспертиза острой смертельной алкогольной интоксикации при исследовании трупа. Изд-во Тюменского государственного университета, 2003:75.
7. Климова О.Ю. Биохимические критерии диагностики некоторых причин смерти. Судебно-медицинская экспертиза. 2007;4:19-20.
8. Mogtnsen C.E. The kidney in diabetes: how to control renal and related cardiovascular complications. Am I Kidney Dis. 2001;37:3-6.
9. Thader H. Relation of steatosis to cirrhosis. Clin. gastroenterol. 1985;5:273-280.
10. PedenM., et al., eds, World report on road trffic injuryprevention. 2004, World Health Organization: Geneva. 50.
11. World Health Organization, A 5-Year VHO strategy for road traffic injury prevention. 2001, World Health Organization: Geneyva. 49.

Рузиев Ш.И., Ибрагимов Б.И.

СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКИЕ КРИТЕРИИ МОРФОЛОГИЧЕСКОЙ ОЦЕНКИ ПОВРЕЖДЕНИЙ ГОЛОВНОГО МОЗГА У ДЕТЕЙ

Ключевые слова: черепно-мозговая травма, дорожно-транспортное проишествие, Кровоизлияние.

Черепно-мозговая травма (ЧМТ) является одним из важнейших разделов судебной медицины в связи с большой частотой, трудностями диагностики и тяжестью её течения, нередко с летальным исходом. Черепно-мозговая травма относится к частым и тяжелым повреждениям, количество которых не имеет тенденции к снижению. Фактически почти каждое дорожно-транспортное происшествие сопровождается ЧМТ. Погибают от этой травмы в основном мужчины, чаще трудоспособного возраста, что придаёт проблеме не только медицинское, но и социальное значение.

Ruziev Sh.I, B.I.Ibragimov

FORENSIC CRITERIA FOR THE MORPHOLOGICAL ASSESSMENT OF BRAIN INJURY IN CHILDREN

Key words: traumatic brain injury, traffic accident, hemorrhage, skull base fracture.

Traumatic brain injury (TBI) is one of the most important sections of forensic medicine due to the high speed, difficulty of diagnosis and the severity of its course, often fatal. Traumatic brain injury refers to frequent and severe injuries, the number of which has no tendency to age. TBI. In fact, almost every traffic accident is accompanied by TBI. The deaths from this injury are mostly men, more often than working age, which means that not only medical, but also social significance.

Турдиева К.Ш.

БЎЛАЖАК ТИББИЁТЧИЛАР ТАРБИЯСИДА ШЕЪРИЙ АСАРЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Шеър оҳанг жиҳатдан маълум бир тартибга солинган ҳис- туйғу ифодаси сифатида вужудга келган ритмик нутқдир. Аммо, шеър қудратли восита.

У Ҳамид Олимжон, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф ва бошқа улкан шоирлар қалами остида Ватанимизни, ўзбекнинг ўзлигини севишга, унинг тупроғини ҳеч нимага алишмасликка, қадрлашга, меҳр беришга, асраб-авайлашга, қўриқлашга чорловчи қалб даъвати. Айнан қалбдан чиққан сўз қалбларга етиб бориши мумкин. Шоирни йиғлатиб, ларзага солиб, барча томирларини жунбушга келтириб, фавворадай отилган минг ҳайқириқ, қўшиқ, нола – шеърда мужассам.

Шеър бизга ўзимизни англатгувчи, бизни ўрнимиздан туриб атрофга, одамларга, уларнинг дарду ташвишларига, қувонч-шодликларига шерик бўлишимиз ҳақидаги эслатма. Шеър – қат-қати кўп, ҳар бир қаватини очганимизда мўъжизавий маъно топишимиз мумкин бўлган китоб. Шеър – ичганимиз сайин янги таъм ҳосил қилувчи булоқ. Шеър ёдлаганимизда қўнғироқ бўлиб эсимизга олинган меҳр. Шеър – ҳаёт ранги, ҳаёт билан қалб уйғунлиги.

Агар шеъриятнинг мазмун-моҳияти ҳақида гапирадиган бўлсак, файласуф олимларнинг фикрига кўра, шеър – кўпвалентлик ҳодисадир, яъни у бошқа санъатлар ва ҳодисалар билан уйғунлашганда янги сифатни пайдо қилади. Ва бу энергетик куч унинг ўз кучидан ва уйғунлашган воқелик кучидан ўзгача кўринишда бўлади. Энди эса шеърият “шифо”, шифо атамалари билан қанчалик боғлиқлигини кўриб чиқамиз.

Шифо – касалликдан халос бўлиш, тузалиш маъносини англатса, шифокор сўзи эса касалликдан холос қилувчи табибдир. Инсон саломатлиги ва руҳиятини даволашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ёшлар дунёқараши ва тарбиясида ахборотлар ва бадиий асарларни самарали восита бўлиб хизмат қилиши учун ҳаракат қилишимиз зарур.

Шеърий асарларнинг тиббиёт соҳаси билан уйғунлашиши таълим-тарбиядаги умумий мақсадимизга хизмат қилишни уйғунликда олиб боришга кўмак беради.

Ҳар бир санъат тури каби шеърият инсонларни мулоҳаза юритишга ундайди. Хўш, бу ундаш нима орқали юзага келади? Албатта, образлар орқали. Масалан, Кавсар Турдиеванинг “Болалар шифокори” ёки бўлмаса “Шифокор” шеърида педиатрларнинг ва шифокорларнинг образлари акс этади:

Беморнинг олдига
Тун бўйи қолди-да
Холидан бўлгунча хабардор,
Шифо ҳар сўзида
Толиққан кўзида
Сиз билган-билмаган шифокор.

Самодами, йўлдами, денгизми, чўлдами у касбига доим вафодор. У ҳар бир беморини тузалишини истайди, бунинг учун ҳаракат қилади. Биз билмаган бундай фидойи шифокорлар қанчадан-қанча. Педиатр-болалар шифокорларининг иши эса бундан-да қийин, чунки уларнинг мижозлари сўзлашни ҳам билмайди. Уларни гоҳ безгак тутади, гоҳ улар чангакда, гоҳ чўғдек ёнади. Шифокор нафақат фарзандлар, балки пойгакда минг бор ўлиб, минг бор тирилган оналар учун ҳам нажоткордир.

Таниқли шоирларимиз Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов ижодидаги тиббиёт мавзусига доир шеърларига мурожаат қилайлик. Улуғ шоирларимиз қалами остидаги бу шеърлар ҳам ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғоялари билан уйғунлашган ҳолда ёшларга она-юрт қадрини, унинг аҳамиятини маҳорат билан намоён этишларини кўриш мумкин. Жумладан, А. Ориповнинг “Тиш оғриғи”[11] ва “Шифохонада”[22] шеърлари шулар жумласидандир.

Шифохонада

Ватанни англатай,
Тингла мени тек.
Хорижда шифо топ,
Майли бўлиб бек.
Лекин биров сени
Кимсан демайди,
Даволанди, дейди,
Қандайдир ўзбек.

Мазкур шеърни мутолаа қилганда

1 [1] А. Орипов “Шарқ” нашриёт – манбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Тошкент шаҳри, Буюк турон, 41. 2019 йил. – 397-бет.

2 [2] Ўша манба. – 606-бет.

халқимизни ўзга юртнинг боши бўлгунча ўз юртингнинг тоши бўл”, ёки “Ҳар гул ўз бўтасида азиз” каби мақолларни эслашимиз мумкин. Юртимизда ардоқланган севимли шоиримиз ҳар бир инсон учун ўзининг эли нақадар азизлигини жуда оддий ва яққол таърифлайди. Шоирнинг тиш оғриғи ва Ватан мавзулари инсонийлик мавзуси билан уйғунлашган бошқа шеърларини кўриб чиқайлик.

Женевада ногоҳ тишим оғриди,
Даво излаб кездим
Ўнгу сўлимни,
Охир дўхтирини топиб учрасам:
Пулини чўз, деди, пулини.

“Пулини чўздим-ку!” – дейди шоир, аммо кетар чоғида маслаҳат сўраганида, шифокор яна пул сўраб турганини айтади. Шоир оғиздан чиққан ҳар бир сўзини ҳам пул билан ўлчаган инсон қиёфаси унинг маънавий дунёси ўзбекчиликка – менталитетимизга умуман ётлигини кўрсатади. Шифокор учун ҳам, ҳамшира учун ҳам, у қайси давлатда яшамасин, қанча маош олмасин, қандай муассасада фаолият юритмасин маҳорат ва ширинсуханлик асосий мезон эканлиги ҳақида шоирнинг “Ҳамшира қизим Барнонинг шеъри”[31]да кўриш мумкин. Аммо, бу шеър яна ватан соғинчи ҳақида:

Уммон орти юртининг
бўлдир шифохонаси:
Муҳташам қасрлардан
қолишмайди у сира
Эътирофим айтайин:
келди гапнинг хонаси
Бу ерда етишмайди
Барно деган ҳамшира.

Ҳақиқат, ўзбек менталитети ва маҳалласи мавзуси шоир Э. Воҳидовнинг “Ўғрига насиҳат”[41] шеърида яққол акс этади.

- Ўғри бўлсанг, жон ука фақат маҳаллага борма, дейди шоир. Чунки, у ерда ҳамма бир-бирини танийди салом бериб, йўл бўлсин деб етти пуштингни суриштиришади, зўрлаб уйга етаклаб меҳмон қилар ош билан, бундан ургани яхши бошгинангга тош билан.

Кузатиб, чўнтагингга
Қанд-қурс солиб қўяди,
“Насиба” деб куйдириб
Сени тиғсиз суяди.

Албатта, бугун учун бу шеър замонавий эмасдай туюлса-да, бўлажак тиббиётчилар учун уни мутолаа қилиш ўз урф-у одатларимизни доим ёдда тутишга, ривожланиш ва равнақ билан бирга инсонийлигимизни сақлаб қолишимиз кераклигини эсдан чиқармасликка ўргатади. Аслини олганда, ҳар биримиз учун шеърият, бу кашфиёт эканлиги, у кутилмаган ҳолда бўлажак шифокорларни бунёдкорлик билан ҳамнафас қилишга қодир. Чунки, ҳар бир бемор билан шахсга йўналтирилган мулоқот айнан янгиликни талаб қилади.

Ҳар биримизнинг дидимиз ва қизиқишимиз турлича бўлиши мумкин. Аммо, фикримизча шеър фақатгина қофиялар ва турок ёрдамида тартибга солинган қизиқарли сюжетгина эмас.

Олимларнинг кўпчилиги шеърият худди оҳанграбодай ўз жаранги билан мафтун қилиб инсоннинг куч-қувватини тиклашга ёрдам беради деб таъкидлашади. Шеърларнинг таъсири шундаки, уларни мунтазам ўқиш жараёнида инсонда янги ғоялар учун куч ва қувват пайдо бўлади, руҳий жиҳатдан саломатлик ҳолати яхшиланади. Яъни, инсон ўзини ҳис қилиши яхшиланиб, у стресс ҳолатидан чиқади ва бутун тана энергия билан тўлади.

Ливерпуль университетининг тадқиқотчилари юксак шеъриятнинг инсон миясининг фаоллашувига таъсирини тадқиқ қилишган. Сўнг улар шундай хулосага келишади: мия нейронлари шеърдаги сўз ёки сўз бирикмасига учраган пайтда кучли импульс юборишар экан. Ушбу импульс қатори тугагандан сўнг ҳам якунланмас ва мия нейронлари яна куч-қувват олиб, кейинги қаторлардан қўшимча маъно излашар экан.

Аммо, айни асарларни насрда сўзлаганда бундай самара бермайди. Яна шу аниқландики, шеър ўқиш мия соҳасининг автобиографик хотирасига жавоб берувчи қисмларига таъсир қилиб, уларга мутолаа қилинган ўз тажрибамизни қайта баҳолашимизга имкон берар экан. Миянинг айнан шундай фаоллиги янада ақллироқ бўлишимизга кўмаклашаркан. Бу эса барча ёшларга, жумладан, бўлажак тиббиётчиларимиз учун муҳим имконият. Немис нейробиологи Эрнст Белпель таъкидлашича, одам мияси шеър тинглаш жараёнида шеър қофияси ҳамда ритмига мослашади ва инсон ушбу жараёнда енгил гипноз самарасига эга бўлади.

Шу ўринда, Алишер Навоий бобомиз-

3 [1] А. Орипов “Танланган асарлар” “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Тошкент шаҳар, Буюк Турон, 41. 2019 йил. – 755-бет.

4 [1] Э. Воҳидов “Танланган асарлар”. Т.: “Шарқ”, 2016. – 646-бет

нинг ёшликдан ниҳоятда кўп шеърларни ёд билиши, мутолаага берилганлиги унинг мангу адабий мерос қолдиргани билан белгиланиши бунга яққол мисол бўла олади.

Ҳамид Олимжоннинг Ватан гўзаллигини мадҳ этувчи “Ўзбекистон” шеъри ҳар инсон қалбида гўзал бир олам яратса ажаб эмас. Ғ. Ғуломнинг “Сен етим эмассан” шеъри эса ота-онасидан ажраган боланинг қалбига ишонч, илиқлик ва нур бахш этиши табиий.

Тадқиқотчилар шеър тинглаганда инсон миясининг иккала ярим шари ўз фаолияти бошлашини таъкидлашади. Ўнги ритм, чапи эса сўзлар учун жавоб беради, шу билан бирга стерео самарасини ҳосил қилади. Шеър миянинг фақатгина чап ярим шарини қайта ишловчи оддий насрдан кўра анча фойдалидир.

Тадқиқотчилар, шунингдек, шеърият эмпатияни, яъни ҳамдардлик ҳиссини ҳам ривожлантиришини аниқлаганлар. Юксак ва таъсирчан шеърларнинг мисралари инсонларда чуқур ҳис-ҳаяжон уйғотиб, этни жунбушга келтиради. Бундай ҳолат эса, эмпатия кўринишининг шаклларидан бири ҳисобланар экан. Ушбу фойдали жараённи олимлар эснаш билан таққослайдилар. Ахир бир одам эснаганда бошқалар ҳам ўз-ўзидан эснай бошлайди-да. Эт жунжукишида ҳам шу ҳолат такрорланади. Шундай қилиб мия бошқа инсонлар ҳиссиётларини тушуна бошлайди.

А. Блокнинг фикрича, ҳақиқий шоир овозларни тартибсизликдан озод қилиб, уларга маълум шакл бериб уйғунлаштирар экан, унда насрий йўл билан ифода қилиб бўлмас қандайдир сир-синоат моддийлашади. Агар ҳақиқий истеъдод эгаси қалби тўла муҳаббат туфайли асар ёзаётган бўлса, унинг шеърлари қуёш сингари нур таратади, ҳақиқат ва меҳр нурлари қалбни тўлқинлантирадиган юксак ва покиза самовий назм – ҳис-туйғулари юракка илҳом, ҳайрат, шодлик завқининг ижодий кучини бағишлайди. Ҳақиқий, тоза, енгил ва нозик шеърият қалбимизни фақат гўзаллик томон бошлайди. Шеър терапияси (вибротерапия) инсоннинг жисмоний қуввати ва руҳий ҳолатига сўз орқали таъсир қилувчи фаол жараён бўлиб, образлар ва ритмлар орқали инсон онгида сўзлар пайдо қилади.Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф ва бошқа кўп шоирларнинг ижоди бунга мисол бўла олади. Аммо, шеър нафақат нур таратади, у мулоҳаза юритишга ҳам сабаб бўлади.

Келинг, бу таъсирчан шеъриятнинг орасидан тиббиётга оид шеърларга қайтайлик. Эркин Воҳидовнинг “Нега япон юз йил яшар?”[51] шеъри ана шундай мулоҳаза юритишга лойиқ. Ҳам юмор, ҳам аччиқ ҳажвия ҳисобланувчи ушбу шеър қуйидагича:

Нега япон юз йил яшару
Ўзбек бунча ёшга бормайди?
Чунки, япон биздек қоронғу
Саҳар туриб ошга бормайди.
Таъзияда эл кўзи учун
Минг кишилик зиёфат қурмас.
Ҳайити йўқ, бел боғлаб
Шамдай қотиб уч кун кўчада турмас.
Гарчи биздан юз бор фаровон
Гарчи биздан юз бора тўқдир,
Тўй харжида юзта бой япон
Бир камбағал ўзбекча йўқдир.
Бу сўзимни японга айтсам
Деди баттар қисиб кўзини:
Япон бундай яшолмас ҳеч ҳам
Харакири қилар ўзини.

Агар шеъриятни тизим сифатида қабул қиладиган бўлсак, унинг тизим ости элементлари ойдек равшан. Бу шоир, шеър ва ўқувчи ёки тингловчи. Мазкур учала элемент, шубҳасиз бир-бири билан бевосита алоқага эга. Бу учлик орасидаги бирлик ва тўлақонлилик табиий. Аммо, шеърнинг таъсири бир эмас, балки кўплаб ўқувчи ва тингловчиларга ҳам етиб бориши, ҳар бир ижодкор ўз услубига эга бўлиши керак. Ҳар бир ўқувчи ёки тингловчи истаган шоир ижодини танлаш: ўқиш ва тинглаш ҳуқуқига эга.

Шу билан бирга, муаллифнинг шеъри ҳар бир ўқувчи ё тингловчига индивидуал шахсга йўналтирилган таъсирга эга бўлиши муҳим. Бу йўналтирилган таъсирга шеърнинг бадиийлиги орқали эришамиз. Яъни, образ билан бирга истиора, ўхшатиш, муболаға, жонлантириш ва бошқа бадиий воситалардан фойдаланамиз. Болалар шоири К. Чуковскийнинг “Болаларга ёзилган шеърлар қонун-қоидаси”-га кўра тезкорлик, воқеалар ривожи, халқдан, яъни болалардан ўрганиш, қофияларнинг тўқ ва жарангдорлиги муҳим. Ўсмир ёшлар учун ёзилган шеърларда кўпроқ лирик, мулоҳазали ёки декломативликка мойиллик, сюжетли бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Албатта, шеър тизимини (вазн, қофия, ритмни) мустасно қилмаган ҳолда К. Турдиеванинг “Вакциналар”

5 [1] Э. Воҳидов “Танланган асарлар”. – Т.: “Шарқ”, 2016. – 647-б

шеърида ҳаракат тасвири билан бошланиши ўқувчининг диққатини ўзига жалб қилади.

Ҳамширалар югуришар,
Шифокорлар имлашар.
Катталарни, кичикларни,
Касалликдан эмлашар.

Ва ундан кейинги берилган савол ўқувчининг диққатини тортади. Нима бу? Албатта, эмлаш юқумли касалликлардан бўлиши табиий. Силми? Қизамиқми? Ёки Ковидми? Аммо, муаллиф ундан ҳам заруррок зардоб ҳақида фикр юритди. Бу одамийлик, инсонпарварлик, диёнатни ҳосил қилувчи ва буларнинг ҳаммасини жамлаган маънавият зардоби ҳақида.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йилнинг 25 январь куни Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида "Жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, "ҳалоллик вакцинаси" билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз", деб таъкидлади.

Тўғри, бугунги кунда Ковидни тузатувчи зардоб ҳамма учун зарур. Аммо, бу касалликни келтириб чиқараётган, экологияни булғаётган, пул ва даромад учун бутун инсониятдан ҳам воз кечишга тайёр, инсонларни табақаларга бўлаётган ҳам одамларнинг маънавиятсизлиги эмасми? Агар "Вакциналар" шеъри шифокорларга (шифокор олимлар, албатта, нисбий олинган) қаратилган бўлса, Абдулла Орипов ўзининг "Шифокор"[61] шеърида бу мавзуни гўё янада чуқурлаштиради. Шифокорнинг Гиппократ қасамини ичганлиги ва ёнига келган ҳар бир беморни даволаши шартлигини айтади. У шифокорни Роббимнинг шогирди, ҳаёти инсон саломатлигини асрашга бахшида этилгани, у азиз одамидан ажраб йиғлаб турган пайтда ҳам беморга ёрдам учун шошилиши, ёвуз душманининг ҳам ҳаётини сақлаб қолиш учун курашишга мажбур.

Ҳар қандай мушкулнинг топилар кори,
Ҳаво бор беморинг ётган хонада,
Фақат меҳр деган ноёб бир дори,
Учрамас ҳеч қандай дорихонада.
Дейман, бари сенга эрур мужассам,
Халатинг сингари хизматинг ҳам соф,
Гиппократга қанча ичмагин қасам,
Қалбингдан кетмасин шафқат ва инсоф.

– дея таъкидлайди шоир ва унинг шеъридаги асосий фикр сўнгги сатрда мужассамланган.

Шоир ўзининг "Беморлар"[71] шеърида эса беморга нисбатан шифокорларнинг муносабати ҳақида фикр юритилади:

Ишдан чиқиб қолган
бизнинг жисмимиз,
Йўлга бошлаб юрар
қолган қисмимиз
Ҳаммага баробар шифохонада,
– Навбатдаги бемор! –
Бизнинг исмимиз.

Мазкур шеър поликлиника ва клиникада муолажа ёки кўрик учун, навбатдаги беморга мурожаат масаласи, яъни бу ҳам, ўз навбатида, шифокор ёки ҳамширанинг деонтологияси – ахлоқ-одоб ва муомала меъёрлари билан боғлиқ. Шоир ҳар бир беморнинг кўнгли нозик эканлигини, уни чақирганда расмий равишда "навбатдаги бемор" деб эмас, балки бошқа илиқроқ сўз билан мурожаат қилиши зарурлигини айтгандай бўлади.

Ҳаётда болалар учун ёзилган шеърнинг таъсири ҳақида рус болалар шоираси Агния Барто хотирасидаги бир воқеани эслайди. Бир куни унга ёшгина жувондан мактуб келади. Ва бу мактубда муаллиф суюкли инсони билан турмуш қуришларида шоиранинг "Айиқча" номли шеъри қандай муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини ёзади. Тўйлари арафасида йигит автоҳалокатга учраб икки оёғидан айрилади ва севгилисига энди у бошқа соғлом йигитга турмушга чиқиши мумкинлигини билдиради. Аммо, қиз ўз садоқатини ва фикри ўзгармаганлигини, йигитни ҳали ҳам севишини билдириш учун зарур сўзлар излайди. Ва ёшлигида ёдлаган "Айиқча" шеъри ёдига тушади:

Айиқча билан ўйнадилар,
Унинг оёқчаларини уздилар,
Аммо, у барибир яхши,
Мен уни ташлаб юбормайман. –

мазмунидаги болалар шоирасининг шеърини юбориб, ўз ҳиссиётларини билдиради. Бу эсдалик мазкур шеър болалар учун ҳам, катталар учун ҳам садоқат ва вафодорлик каби гўзал фазилатларни улуғловчи эканлигини яна бир бор исбот қилади. Хўш, шеърнинг тавсифи аслида нимада? Бу саволга биз қисман юқорида бадиийликда деб жавоб берган эдик. Асосий фикр ҳам шу. Ушбу мулоҳазамизни бироз бошқачароқ ифодалайдиган бўлсак, шеърият сўз ишлатилишида одатийликдан воз кечиб уларни бошқача ифодада тақдим этади. Яъни, биз мудом автоматик қабул қилган сўз-

6 [1] А. Орипов "Танланган асарлар". Т.: "Шарқ", 2019 йил 631-бет

7 [1] Ўша манба.

ларимиз бизга, умуман, айрича таъсирли ва гўзал кўринишда етиб келади. Масалан, Эркин Воҳидовнинг инсон аъзоларига бағишланган бир неча шеърлари қаторидаги “Қўллар қасидаси”[81] ҳам айнан шундай қабул қилинади. Биз қуйида шеърда қўлланилган бадиий тасвирий воситаларни жадвал сифатида тақдим этдик.

8 [1] Э. Воҳидов. “Танланган асарлар”. Т.: “Шарх”, 2016 йил. – 403-бет

У нима?	У қандай?	Нима қилади?
Танангдаги аъзо	Камтарин	Заминни бунёд қилади, уни барбод қилади
Тиғ, гулираъно	Бужур, лек санъати зебо	Ғазал бахш этган оламга, алам келтирган одамга
Сиру, мавжланган Амударё	Нозик	Ёрига гул узган хайр сўраб кафтини чўзган
Қуёшидан шуълалар	Олтин энг буюк кимё	Мисқолдан тоғ яратур жаҳон давосини этган жаҳондан лек очиқ кетган

Кўриб турганимиздек, ундаги сифатлашлар, ўхшатишлар замирида инсон ҳаётида қўл ва бармоқлар вазифаси ҳақида, қўлларни кўкларга кўтариб ёзилган бу қаъсида мазкур аъзонинг яратувчи-бунёдкор ёки бузғунчи-вайронкор, оғриқ келтирувчи ва дилларни яйратувчи ишларини кетма-кетликда намоён қилади. Оддий қўллар образи кўз ўнгимизда меҳнаткаш ва камтар, золим ва мазлум кўринишда акс этади. Шоир қаршилантириш усулини ниҳоятда усталик билан қўллайди:

Ғазал бахш этган оламга,
Ажал келтирган одамга,
Бу тиғдир, бу гулираъно
Бу қўллардир, бу қўллардир.
Севар ёрга гул узган ҳам,
Очиқ кафтини чўзган ҳам,
Тилаб хайру закот танҳо,
Бу қўллардир, бу қўллардир.

Шунингдек, қўллар рамзи Оролни ушлаб турган Сирдарё ва мавжли Амударёга ўхшатилади.

Эркин Воҳидовнинг бошқа “Кўрсаткич бармоқ”[11] номли шеъри ҳам гарчи қўл бармоғи ҳақида бўлса-да, аммо у инсоннинг салбий томонлари ҳақида. Ушбу шеър кўрсаткич бармоқ эгасига қарата айтилган монолог бўлиб янграйди. Шоирнинг монологик нутқи инсонга унинг кўрсаткич бармоғи ҳаракатлари замирида инсоният, жамиятдаги ҳодисаларга ўз нуқтаи назарини ва қарашларини шакллантиради:

Бармоқларинг ичра баридан кўпроқ
Сенга ҳурмат қилди кўрсаткич бармоқ.
Лабга босдинг, шифобахш ишора қилдинг,
Кўпни тилсиз қилдинг бечора қилдинг.
Бир замон кўрсаткич бармоқни қўллаб,
Омон қолдинг дорга дўстингни йўллаб.
Энди ошкораликдан куйиб турибсан.
Бармоқни чаккангга қўйиб турибсан.

Шоир қатағон йилларини, ҳақ сўзни айтиб бўлмас даврларни эслайди.

Эркин Воҳидовнинг “Асаблар”[21] шеърининг темпи ҳам асаб тинчлантирувчиликка эга:

Асаблар,
Асаблар,
Асаблар,
Сабабсиз сочилган ғазаблар,
Гуноҳсиз чекилган азоблар,
Кўз ёшлар....
Барига сабаблар
Асаблар, асаблар, асаблар.

Шоир мулоҳаза юритар экан, ўзи ҳам шу асаблар эгаси – жабрдийда сифатида намоён бўлади. У асабларнинг ёмон оқибатларини ҳам кўрган ва бу соҳада тажрибага ҳам эга.

Асаблар – душман образи сифатида гавдаланади. Асаблар ҳаммани қулатади. Уйқуни йўлатмайди, юракни шодликка тўлатмайди. Шеърнинг сўнгги сатрлари гўё нидо-ҳайқирикдай жаранглайди.

Шеърият эҳтиросли, жаранглидир. На-

1 [1] Э. Воҳидов. “Танланган асарлар”. Т.: “Шарқ”, 2016 йил. – 450-бет.

2 [1] Э. Воҳидов. “Танланган асарлар”. Т.: “Шарқ”, 2016 йил. – 38-бет.

зарий адабиётларда айнан “ички монолог” шоир ўзи билан ўзи сўзлашиши ёки бўлмаса “ташқи монолог” шеър қаҳрамонлари (билан олиб борилган) монолог шеърда насрий асарлардаги қаҳрамонлар нутқидан фарқли равишда эҳтирослидир.

Маълумки, оила ота-онадан бошланади. Кавсар Турдиеванинг “Она иси” шеърий композицияси она деган зотга эҳтиромни оила меҳрининг оҳанрабоси ва бўйини афсонавий “Она иси” номли ўт билан боғлаб, унинг таровати онани эслатиб, қочоқ фарзандни ўз уйига чорлаши ҳақида. Шу жумладан, “Шайтон макри” номли шеърдаги арақ – шаробнинг қора ишлари ўқувчи кўз ўнгида бир ножўя қадам қандай оқибатларга олиб келишини кўрсатади. Шеъриятнинг илк кўринишлари ҳам ҳалқ оғзаки ижодидан бошланган. Бунга мақол ва топишмоқларнинг қофияли кўринишлари яққол мисол.

Буюк алломамиз Абу Райҳон Беруний-нинг ёзишича, қадимги ҳиндларда илмий асарларнинг деярли барчаси фақат шеърий бўлган, шундай ёзилган тақдирдагина бу китоб ўқилган, шеърий ёзилмаган китобни ўқишга ҳеч ким рағбат қилмаган. Беруний ўзининг “Ҳиндистон” асарида шундай ёзади: “Ҳиндларнинг ҳар хил илмлар ҳақидаги китобларни ўз завқларига мос, турли вазнларда тизма шеър қилиб тузилган. Тизма бўлишидан мақсадлари ўша китобларнинг ўз ҳоли ва миқдорича сақланиб қолишидир. Чунки, китоб тизма равшда ёзилса, у тизма ичига бир сўз ё бўғин қўшилса ёки камайтирилса, тизма вазни бузилиб, уни ўзгартирилганлиги дарров сезилади ва иккинчидан ёдлаш осон бўлади”.[3]

Бўлажак тиббиётчилар тарбиясида шеъриятнинг ўрни уларнинг касбида янада муҳим аҳамият касб этади. Ёлғизланган, оғир ҳолдаги бемор қалбига йўл топишда кўмаклашади.

Инсон қалбига ўзига хос йўл – кутилмаган шеърий сюжет, монолог, чақириқ, мулоҳаза, топишмоқ, ривоятлар орқали кириши, унинг қалб торларини чертиши таъсирининг ўзига хос самарали услуби. Инсон дардини тушунган ёки дард чеккан инсонлар шеър ёзлади, дейишади. Бўлажак шифокорлар билан қалб орқали сўзлашишнинг, уларга шеърларни тақдим этган ҳолда қуруқ дидактикадан кўра, мулоҳаза ва фикрлашга ундаш тўғри усуллардан биридир. Шу билан бирга, соҳавий шеърият талабаларда касбий маҳорат, дунёқараш, ватанпарварлик, инсонпарварлик каби эстетик дидни тарбиялашга хизмат қилади.

3 Абу Райхон Беруний. “Ҳиндистон сайланма асарлар. – Тошкент, 1965, 33-бет.

Адабиётлар

1. Kun.uz/news/2019/03/20/president-beshta-muhim-tashabbus

2. Ш. Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016.

3. И. Каримов. Юксак маънавият – Енгилмас куч. –Т.: “Ўзбекистон”, 2008.

4. К.Ш.Турдиева.Монография. – Тошкент: “EFFEKT-D”, 2021.

5. Э. Воҳидов. “Танланган асарлар”. Т.: “Шарқ”, 2016.

6. А. Орипов “Танланган асарлар”. Т.: “Шарқ”, 2019.

Ахмедова М.А., Алимова М.М., Абдусатторов С.Ш.

ЁШЛАРНИНГ ЖИСМОНАН БАРКАМОЛ, МАЪНАН ЕТУК БЎЛИБ УЛҒАЙИШИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ВА МАҲАЛЛАЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАМИЗДИР

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

2022 йил 20- -январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарорида ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизмларини жорий этиш, улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш, ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш, таълим муассасаларида маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш бўйича қатор вазифалар белгилаб берилган.

Тошкент педиатрия тиббиёт институтида жорий йилнинг январь ойида “Рако-

батбардош ва замонавий тиббий кадрларни тайёрлашдаги устувор вазифалар” мавзусида икки кунлик ўқув-илмий-маънавий-маърифий семинар-конференция бўлиб ўтди. Конференциянинг иккинчи куни ҳар бир йўналиш бўйича секцияларга бўлиниб давом эттирилди, жумладан, “ТошПТИда маънавий-маърифий ишларни амалга оширишни янги босқичга олиб чиқиш” мавзусидаги семинар-конференцияда ёшлар масаласи, маънавият ва маърифат бўлимига тегишли мутасадди ходимлар ҳамда жамоат ташкилотларининг масъул педагогларининг 2022 йилда талаба-ёшлар ўртасида амалга оширадиган ишлари бўйича маъруза-тақдимотлари тингланди ва белгиланган вазифаларнинг натижадорлиги, самарадорлиги прогнози муҳокама қилинди.

Шу билан биргаликда, ўтказилган конференцияда маҳалла ва олий таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни ташкил этиш бўйича ҳам маъруза-тақдимот бўлди, чунки ҳозирги кунда нафақат олий таълим тизимида, балки таълим тизимининг барча босқичларида Ватанга садоқат, бурч ва масъулият, ташаббускорлик ва бошқа фазилатлар ёшлар онгида назарий тушунчалар сифатида қолиб кетмоқда, эзгу фазилатлар ёшлар табиатидаги амалий одатларга айланмаяпти, ёшларнинг фазилатлар ҳақидаги сўзлари билан амаллари орасида тафовут намоён бўлмоқда, мустақил ҳаётга кириб келаётган йигит-қизларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларида муаммолар юзага келмоқда, айрим ёшларда юксак мақсадларнинг шаклланмагани, ўзини ўзи ўқишга, муайян касбга сафарбар қилиш, ирода, матонат, тиришқоқлик, ҳаракат фазилатлари етарли ривожланмаганлиги таълим-тарбия сифатига ҳам зарар кўрсатмоқда.

Маъруза-тақдимотда 2019 йил 31 декабрь Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорида узлуксиз маънавий тарбия концепциясининг устувор йўналишлари ва уни амалга оширишдан кутилаётган натижалар тўғрисида сўз юритилди.

Шунингдек, маърузачи “Бир зиёли – бир маҳаллага маънавий ҳомий” тамойили асосида Юнусобод туманидаги 10 та маҳалла фуқаролар йиғинларини Тошкент педиатрия тиббиёт институтига бириктирилиши ҳамда институт профессор-ўқитувчилари томонидан маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича чора тадбирлар режаси ҳамда амалга ошириш механизми устида тўхталди.

“Бир зиёли-бир маҳаллага маънавий ҳомий” лойиҳасини амалга оширишнинг мақсади - ёшлар тарбияси билан боғлиқ муаммоларнинг олдини олиш, чекка аҳоли маданий ҳаётини янгиликлар билан бойитиш, ҳудудларда миллий ахлоқий қадриятларни ривожлантириш ҳамда “Ҳар бир инсон давлат эътиборидан четда эмас”лигини халқ орасида кенг тарғиб қилишдан иборат бўлса, вазифалари эса МФЙга маърифат, маданият, маънавиятни олиб кириш, МФЙда маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ташкил этиш ва ўтказишга методик ёрдам бериш, фуқаролар билан ҳам индивидуал, ҳам жамоавий ишлаш орқали маънавий муаммоларни аниқлаш ва уни бартараф этишга амалий ёрдам бериш, МФЙда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни тушунтириш ва тарғиб қилиш, МФЙда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга кўмаклашиш, МФЙда маънавий тарбияга доир илғор тажриба, билим ва ташкилотчилик салоҳиятини ўргатиш, МФЙда 5 муҳим ташаббус доирасидаги тадбирларни амалга ошириш ишларини тизимли ташкил этишга доир амалий кўрсатмалар беришдир. Уни амалга ошириш механизмининг мазмун моҳияти қуйидагича, амалга ошириладиган ишларни белгилаб олиш, муайян шахслар билан индивидуал тартибда ишлаш, жамоавий тарзда ишлаш чора-тадбирлари режаларини ишлаб чиқиш, тарғибот материалларини тўплаш, тарғибот технологияларини ва методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори(ПҚ–92-сон, 19.01.2022 й.)га биноан, ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада ёшлар етакчиси лавозими жорий этилди ва маҳалладаги ёшлар етакчисининг асосий вазифалари белгилаб берилди.

Улар қуйидагилардан иборат. “Ёшлар баланси”ни шакллантириш, ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларига киритиб бориш, улар билан самарали иш ташкил қилиш; маҳаллаларда ёшларнинг бўш

вақтини мазмунли ташкил этиш, ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнининг иқтидори, истеъдоди ва ташаббусларини рағбатлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишларига кўмаклашиш; ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда уларнинг интеллектуал жиҳатдан камол топишини ва маънавий ривожланишини таъминлаш; ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги бўлган ёшлар билан тизимли ишлаш, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган ёшларнинг ижтимоий-педагогик реабилитация қилиниши ва мослашувига кўмаклашишдир.

Албатта, ҳар бир маҳаллада жорий этилган ёшлар етакчисининг битта ўзи бу вазифаларни тўлақонли амалга ошира олмайди, шунинг учун ҳам маҳалла ёшлари билан ишлайдиган мутасадди шахслар ва ташкилотлар қаторида олий таълим муассасалари жамоаси томонидан ҳам амалга оширадиган бир қанча вазифалар бор. Шу муносабат билан, “2022 йил- Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг “Йўл харитаси”да Юнусобод туманида жойлашган 10 та МФЙ ёшлари билан амалга ошириладиган вазифалар белгилаб олинган. Ҳар бир маҳаллага бириктирилган кафедра профессор- ўқитувчилари ўз маҳалаларидаги ёшларни турли қатламлари ва тоифалари билан индивидуал ва жамоавий ишларни олиб бормоқдалар, аниқланган мауммо ва камчиликларнинг ечими тегишли ташкилот ва мутасадди шахслар билан ҳамкорликда топилмоқда.

Юртбошимиз янги маънавий маконни ва халқимизнинг янги тафаккурини шакллантиришда “Оила, маҳалла, таълим, муассасалари ва меҳнат жамоаларида ижтимоий маънавий муҳитни ўрганиш ва соғломлаштиришга қаратилган фаолиятни тизимли ташкил этиш, “маҳалла-туман-вилоят-республика” принципи асосида ҳудудлар кесимидаги ижтимоий-маънавий муҳитни оптималлаштириш харитасини шакллантириш, бу жараёнга замонавий ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этиш” асосий вазифалардан бири эканлигини таъкидлаб ўтди. (Ш. Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т. 2021й. 281- бет).

Ўтган йилда Тошкент педиатрия тиббиёт институтига бириктирилган Юнусобод туманида жойлашган 10 та маҳалла аҳолиси ўртасида институт профессор-ўқитувчилари томонидан ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш ва соғломлаштиришга қаратилган бир талай ишлар амалга оширилди. Жумладан, «Бободеҳқон” МФЙ нинг ўта муҳтож, ногирон, 4 та бемор фуқароларига зарур бўлган дори –дармонлар ва «Биллур» МФЙ да истиқомат қилувчи 8 та хонадонда бўлиб, кекса, ногирон, муҳтож оилаларга озиқ-овқат олиб бориб, беминнат ёрдам бердилар ҳамда тиббий маслаҳатлар кўрсатдилар. Акушерлик ва гинекология, болалар гинекологияси кафедраси, 1-госпитал педиатрия ва ноанъанавий тиббиёт асослари кафедраси, Фуқаролик жамияти, педагогика ва психология кафедраси Юнусобод 19-мавзесида жойлаган “Увайсий” маҳалласида аҳолини тиббий ва психологик кўрикдан ўтказишди. Маҳалларда жойлашган умумтаълим мактабларининг тиббиёт соҳасида ўқиш истагини билдирган ўқувчилари Тошкент педиатрия тиббиёт институтига ташриф буюрди ва улар учун «Очиқ эшиклар куни» тадбири ташкил этилди. Маҳалла ёшларини дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича ташкил этилган фан тўгараклари (биология, кимё, рус тили, хорижий тиллар, информатика), замонавий спорт мажмуасида ташкил этилган спорт секциялари фаолияти билан таништирилди ва қизиқишига қараб тўгаракларга келиб иштирок этиши маълум қилинди. Таништиришдан кейин “Биология” ва “Кимё” фанларидан малакали профессор-ўқитувчилар томонидан ўқувчиларга “мастер-класс”лар ташкил этилди. Фтизиатрия кафедраси Шамшиева Нилуфар бошчилигида Юртобод маҳалласининг уюшмаган ёшларини Политехника музейига олиб борди. Анатомия, патологик анатомия кафедраси ўқитувчилари Юртобод МФЙдаги хонадонларга ташриф буюриб кекса ёшдаги инсонларни ва болаларни тиббий кўрикдан ўтказишди. Ички касалликлар, БКП кафедраси ходимлари Оқтепа маҳалласига ташриф буюриб, хотин-қизлар ва уюшмаган ёшлар ўртасида суҳбат ўтказишди. 6-курс талабаси Фарҳодов Шоҳрух ширали овози билан жонли овозда қўшиқ айтиб, 3-курс талабалари Жўраева Зулфия, Ўктамова Маржона шеър айтиб кичик заковат ўйини ўтказдилар ва совғалар улашдилар. “Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил этиш ва бошқариш” кафедрасининг профессор-ўқитувчилари, Бердақ номидаги кўкрак нишони

соҳиблари томонидн “Бободеҳқон” маҳалла ёшлари ўртасида “Бердақ ижоди” мавзусидаги давра суҳбати иштирок этди. Тадбир давомида Қорақалпоқ халқининг демократ шоири Бердақ (Бердимурод Қарғабой ўғли)нинг ҳаёти ва ижоди ҳақида тингловчиларига тақдимот-маърузалар ўқилди ва Бердақ ижодига мансуб мусиқа ҳамда рақслар намойиш қилинди.

Институт тиббиёт ходимлари «Севинч» МФЙ да ҳам бўлдилар Ёшлар дафтарига кирган аҳоли билан учрашиб уларни касаллик тарихи, шикоятларини эшитиб, бирламчи тиббий кўрик ўтказдилар. Институтнинг бир гуруҳ тиббиёт ходимлари томонидан аҳалла аҳолиси учун Юнусобод тумани 55-оилавий поликлиникада мақсадли тиббий кўрик ўтқазилди. Тиббий кўрикка Тошкент ПТИнинг қуйидаги мутахассислари жалб этилди: Таджиев М.М.-тиббиёт фанлари доктори, гуруҳ раҳбари, Набиева Д.Д.– дерматолог, тери-таносил касалликлари кафедрасидан, Валиев А.А. -дерматолог, тери-таносил касалликлари кафедрасидан, Ганиева Д.К.-педиатр, амбулатор тиббиёти кафедрасидан, Шайхова М.И.-педиатр, амбулатор тиббиёти кафедрасидан, Ғанихонов А.А.–психиатр, психиатрия касалликлари кафедрасидан, Каримова Д.И.-педиатр, амбулатор тиббиёти кафедрасидан, Мирахимова С.Ш.–офтальмолог, кўз касалликлари кафедрасидан, Расулова Н.А.–отолоринголог, Болалар ЛОР кафедрасидан. Мутахассислар томонидан институтга бириктирилган маҳаллалар аҳолисини “Темир дафтар“, “Ёшлар дафтари”га киритилган ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролари тиббий кўриги ташкил этилди. Шуниндек, фуқаролар лаборатор, инструментал текширувлардан ўтиш имконига эга бўлдилар. Тиббий кўрик давомида мутахассислар томонидан фуқароларга керакли тавсиялар берилди.

Инсон умрининг кўрки ва мазмуни фарзанддир. Жажжи ва қалби беғубор болажонларни ардоқлаш, соғлом ўстириш, турли хуружлардан асраш, уларга таълим-тарбия бериш катталарнинг муқаддас бурчи ҳисобланади, 1 июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан Юнус обод туманидаги “Севинч” МФЙ да Амбулатор тиббиёти ва жисмоний тарбия, Тиббий радиология, Тери таносили ва болалар тери таносил касалликлари ва СПИД кафедра мудирлари томонидан бириктирилган ходимлар Д.К.Ганиева, М.Б. Деворова, М.И. Шайхова, С.М. Ходжаева, М.Я. Абзалова, А.Р. Манашова ва Л.Р. Султановалар мурғак қалб эгаларига оз бўлсада қувонч бахш этиш мақсадида деворий бўёқ буюмлари, рангли қаламлар, фломастерлар ёрдамида болаларни кўнглидан жой олган мультфильм қаҳрамонларига ранг бериб, тадбир уюштирилди. Эртамиз эгаларига кўрсатилаётган бундай эътибор келажакда уларнинг Ватанига садоқатли, жисмонан ва маънан баркамол бўлиб етишишида муҳим омил ҳисобланади.

Болалик! Ҳаётимизнинг дебочасидир, инсон ҳаёти ана шу беғубор болаликдан бошланади. Улғайиб келаётган ўғил-қизларимиз мамлакатимиз келажаги, эртамиз давомчилари, обод турмуш бунёдкорларидир. Бугун юртимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол ва соғлом бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шу кўтаринки кайфият билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Амбулатор тиббиёти ва жисмоний тарбия, Тиббий радиология, Тери таносил ва болалар тери таносил касалликлари ва СПИД кафедра ходимлари, доцент У.Ш.Рихсиев,Д.К.Ганиева, М.Б. Деворова, М.И. Шайхова, С.М. Ходжаева, М.Я. Абзалова, А.Р. Манашова ва Л.Р. Султанова, Э.А.Ахмедов, К.Н. Бекимбетов Юнусобод туманидаги “Севинч” МФЙ да бўлиб, болажонларнинг ёз фаслини мароқли ўтказишлари учун турли хил спорт анжомлари совға қилиб, уларга Мастер класслар ва футбол ўйинлари ўтказиб беришди. Зеро ёшларимизни спорт Ватанига садоқатли, жисмонан ва маънан баркамол бўлиб етишишида муҳим омил ҳисобланади.

“2022 йил-Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да ҳам институтимиз профессор-ўқитувчилари шу 10 та маҳаллаларнинг аҳолиси билан ишни давом эттириб, маҳалла аҳолисининг реал муаммоларини аниқлаш ва ечимини топиш, ижобий ҳал қилиш, аҳоли ижтимоий ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик билан шуғулланиш, аҳоли ўртасида тиббий хизматни яхшилаш ва соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш бўйича мурожаатлари, таклиф ва муаммоларини ўрганиб чиқдилар. Ўрганиш натижасида қуйидагилар аниқланди: тиббиёт муассасалари тармоғини кенгайтиришда “Увайсий” маҳалла ҳудудида жойлашган Юнусобод марказий кўп тармоқли поликлиникага УЗИ аппаратлари ва малакали шифокорларнинг камлиги, тор соҳа тиббиёт ходимларининг доимий равишда малакалари-

ни ошириш. Соғлом турмуш тарзига риоя қиладиган оилаларнинг ягона электрон базасини яратиш. Соғлом турмуш тарзини олиб бораётган оилалар ҳақида оилавий шифокорлар томонидан хулосалар бериш. Энг яхши соғлом турмуш тарзига риоя қиладиган оилаларга спорт тўгараклари, санатория ва дам олиш масканларига бепул йўлланмалар бериш. Ҳар бир маҳаллада Тиббиёт хонаси ва участка шифокорларининг қабулини ташкил этиш, маҳалларда кардиолог, эндикринолог, окулист қўшимча хоналарини очиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилаш, МСКТ, замонавий ташхис ускуналарини оилавий поликлиникаларга ўрнатиш. Маҳалла фаоллари ва шифокорлар ҳамкорлигида ҳафта кунларини ташкил этиш. Мисол учун – душанба мевалар куни, сешанба – чорва маҳсулотлари куни, чоршанба – яшил барглар ва сабзавотлар куни, пайшанба – балиқ ва витамин Д3 куни, жума - сут маҳсулотлари куни, шанба – кўпроқ сув ва суюқлик ичиш куни, якшанба – ширинликлардан воз кечиш куни. Маҳалла фаоллари томонидан сут маҳсулотлари билан таъминовчи тадбиркорлар ёки мева-сабзавот етиштирадиган деҳкон ёки боғбонлар билан шартномалар тузиб, маҳаллаларда соғлом овқатланиш кунларини ташкил этиш, унда: ҳафтани белгиланган кунларида шу куни истеъмол қилиш керак бўлган маҳсулотларни арзоналаштирилган нархда маҳалладаги кам таъминланган ва қийналган оилаларга етказиш. Маҳаллалар билан ҳамкорлик қилаётган деҳқонлар, ишлаб чиқарувчиларга имтиёзлар белгилаш ёки танловлар асосида рағбатлантириш. Шу маҳаллаларда бу жараёнда фаол иштирок этиб, саломатлик кўрсаткичларида ижобий ўзгариш кузатилаётган хонадонларни “Намунавий соғлом оила” танловлари ўтказилиб, рағбатлантириш ёки оилада шу каби соғлом овқатланиш тартибини жорий этишда қўллаб-қувватлаш имкониятини яратиш. Маҳалла ҳудудига бириктирилган патронаж ҳамшираларини сонини ошириш.

Кўп касалликлар кечки пайтда зўрайишини ва ота-оналар иш вақтини ҳисобга олиб, кўпчилик тор мутахассисликлар учун кечқурунги навбатчилик ўринларини жорий этиш (ҳеч бўлмаганда ярим тунгача). Ногирон ва касалманд беморларга уй шароитида тиббий парваришни кўрсатиш. Фуқароларнинг саломатлигини сақлаш мақсадида тадбиркорлик субъектлари томонидан ўзбошимчалик билан ноқонуний қурилаётган объектни суд қарори билан бузиш ва қурилиш ўрнини “Яшил макон”га айлантириш. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда тадбиркорлик субъектларига фуқароларнинг турмуш тарзи ва саломатлигига зарар етказмайдиган ҳудудлардан жой ажратиш.Тадбиркорлик субъектларига ер ажратишда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматини хулосасини олиш. Беморларга чақиртирилган тез ёрдам машиналари учун кўп қаватли уйларнинг олдига эркин кириб-чиқишини таъминлаш.Фуқароларга (ёш болалар, ногиронлар, қариялар) сифатли ва малакали тиббий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириш мақсадида кўчма тиббий (тор мутахассислардан иборат) бригадалар орқали кўпқаватли уйларга яқин ҳудудларда беморларни режали (ёш болалар, ногиронлар, қариялар) қабул қилишни тизимли йўлга қўйиш. Туманлардаги стоматология поликлиникаларининг маҳаллаларда филиалларини ташкил қилиш ва соат 8:00 дан 22:00 гача фаолият юритишини таъминлаш каби таклиф ва муаммолар шулар жумласидандин.

Албатта, бу таклиф ва ечимини кутиб ётган муаммолар келгусида масъул ходимларни маҳаллалардаги аҳоли билан ишлаш учун чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, уни амалга оширишда амалий ёрдам бўлади.

Адабиётлар

1. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т. 2021:281.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. ПҚ-5040 сон қарори. Тошкент. 2021 йил 26 март.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ПҚ-92 сон Қарори.Тошкент.2022йил 20 январь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”. ПФ-60 Фармони, Тошкент. 2022 йил, 28 январь,

Ахмедова М.А., Худайбердиев А.К., Абдусатторов С.Ш.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧДАГИ АСОСИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Ҳар қайси давлат, ҳар қайси халқ интеллектуал салоҳияти, юксак маънавияти билан қудратлидир.Шавкат Мирзиёев

Юртимизда демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиб, фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва қарор топтиришдек бош мақсадимизни амалга оширишда «Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари», деган ҳаётбахш ғоянинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26-мартдаги “Маънавий маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040 сон қарорида маънавий-маърифий жараёнларга танқидий ёндошиб, уни ташкил этишда яхлит тизим мавжуд эмаслиги, турли маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги самарали йўлга қуйилмаганлиги ҳамда бу борада ташкилий-амалий ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаётганлиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтилган. Дарҳақиқат юртбошимиз айтганидек, биз учун маънавият-инсонлар ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳурмат ва эътибор, халқ ва давлат келажагини биргаликда қуриш йўлидаги эзгу интилишлар, ибратли фазилатлар мажмуасидир.(Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси.Т.2021й. 267-бет.) Маънавият кўп қиррали тушунчад Юртимизда демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиб, фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш ва қарор топтиришдек бош мақсадимизни амалга оширишда «Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари», деган ҳаётбахш ғоянинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26-мартдаги “Маънавий маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040 сон қарорида маънавий-маърифий жараёнларга танқидий ёндошиб, уни ташкил этишда яхлит тизим мавжуд эмаслиги, турли маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишда давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги самарали йўлга қуйилмаганлиги ҳамда бу борада ташкилий-амалий ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаётганлиги тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтилган. Дарҳақиқат юртбошимиз айтганидек, биз учун маънавият-инсонлар ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳурмат ва эътибор, халқ ва давлат келажагини биргаликда қуриш йўлидаги эзгу интилишлар, ибратли фазилатлар мажмуасидир.(Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси.Т.2021й. 267-бет.) Маънавият кўп қиррали тушунчадир. У инсон фаолиятининг барча қирраларини, унинг яққол кўзга ташланувчи зохирий ва яширин, ички руҳий –ботиний томонларини ҳам қамраб олади. Аслида маънавият – инсонни жамики бошқа мавжудотлардан ажратиб турадиган энг бақувват маънавий-руҳий омил ҳисобланади. Инсон – табиатнинг, барча мавжудотнинг гултожи дейилганда унинг ушбу хислати, яъни юксак маънавият эгаси бўла олиш имконияти назарда тутилади. Бу имконни бошқа жонзотларда кўрмаймиз.

Ҳар қандай мамлакатнинг келажаги ёш авлод, унинг тарбияси, юксак маънавияти билан чамбарчас боғлиқдир. Айнан шунинг учун ҳам, ёшлар тарбияси борасида олиб борилаётган давлат сиёсати Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг муҳим йўналишларидан биридир. Юртимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва қарор топтириш жараёнида фаол иштирок этадиган келажак авлодни тарбиялашда уч буюк қадрият, яъни маънавият, одоб-ахлоқ ва маърифат устувор вазифалардан бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармонига мувофиқ “Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш бўйича қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилган, яъни 5 та муҳим ташаббусни амалда кенг кўламда татбиқ қилиш, иқтидорли, истеъдодли, ташаббускор, замонавий билим ва кўникмаларни ўзлаштирган, инсоний фазилатларга эга ёшларни қўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш. Шунингдек,

ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халқ манфаатлари учун хизмат қилиш туйғуси билан яшайдиган баркамол авлод сифатида тарбиялашга қаратилган талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий онгини ривожлантириш, талаба-ёшларни ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги, тинчликпарварлик ва миллатлараро тотувлик, виждон эркинлиги, барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш каби умуминсоний қадриятлар билан бирга миллий-ахлоқий қадриятларни камол топтириш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаоллик, мустаҳкам фуқаролик позициясини шакллантириш каби фазилатларни тарбиялашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда маънавий-маърифий тадбирларнинг таъсирчан усулларини яратишдан иборат.

Дарҳақиқат, Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "...инсоният дунёсининг буюк бир ёритқичи-маънавият чироғи бор. Маънавият инсоннинг онги ва тафаккурини ёритади, қалби, виждонини уйғотади, одамийлик ҳиссини кучайтиради, у жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир." (Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси.Т.2021й. 266-267 бетлар.)

Шундай экан, «Кимки маънавият масаласи – бу фақат Маънавият ва маърифат маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши деб ўйласа, хато қилади».(Ш.Мирзиёевнинг 2022 йил, 26-январдаги Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясининг Давлат дастури бўйича ўтказилган видеоселекторида сўзлаган нутқидан).

28 январь 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонни ҳамда 2022 йил – «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини имзолади.

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши, маънавий тараққиётни таъминлаш, ушбу соҳани тубдан ислоҳ этиш ва янги босқичга олиб чиқиш, деб номланади. Худди шунингдек, 2022 йил "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" учун ишлаб чиқилган йўл харитасида ҳам маънавий-маърифий масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Яъни, "Ҳаракатлар стратегиясидан - тараққиёт стратегияси сари" ғояси асосида соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш; китобхонликни кенг оммалаштириш ва "Китобсевар миллат" умуммиллий ғоясини рўёбга чиқариш; жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш; Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва тарғиб қилишни ривожлантириш; "Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият" концепциясини амалга ошириш, маданият ва санъат соҳаларини янада ривожлантириш кабилар шулар жумласидандир.

Жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий, маънавий тараққиёти учун ҳисса қўшадиган кадрларни етиштириб бериш мақсадида республикамизнинг барча олий таълим тизимида ўз хусусиятларидан келиб чиққан 2022 йилда амалга оширишга мўлжалланган йўл хариталари ишлаб чиқилди.

Жумладан, Тошкент Педиатрия тиббиёт институтида жорий йилнинг январь ойида "Рақобатбардош ва замонавий тиббий кадрларни тайёрлашдаги устувор вазифалар" мавзусида икки кунлик ўқув-илмий-маънавий-маърифий семинар-конференция бўлиб ўтди. Конференциянинг иккинчи кунида ҳар бир йўналиш бўйича секцияларга бўлиниб давом эттирилди, жумладан, "ТошПТИда маънавий-маърифий ишларни амалга оширишни янги босқичга олиб чиқиш" мавзусидаги семинар-конференцияда ёшлар масаласи ва маънавият ва маърифат бўлимига тегишли мутасадди ходимлар ҳамда жамоат ташкилотларининг масъул педагогларининг 2022 йилда талаба-ёшлар ўртасида амалга оширадиган ишлари бўйича маъруза-тақдимотлар тингланди ва белгиланган вазифаларнинг натижадорлиги, самарадорлиги прогнози муҳокама қилинди.

Конференция Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Янги Ўзбекистон стратегияси" китобининг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ ўрганиш ва уни талаба-ёшлар ўртасида тарғиб қилишнинг таъсирчан механизми ҳақида сўз борди. Дарҳақиқат, мазкур китобда кўтарилган қайси бир масалани олиб қарамайлик, у ниҳоятда долзарб, уни амалга ошириш ҳозирги даврни талаби эканлигининг гувоҳи

бўламиз. Китобнинг янги Ўзбекистон орзуси, унинг феномени, янгиланаётган Ўзбекистон ва тараққиёт омилларини ўзида акс эттирган “Янги Ўзбекистон Стратегияси ёки Маънавий тараққиёт” деб номланувчи бўлимида маънавий янгиланиш: имконият ва истиқболлар, янги замонавий маконни яратиш, маърифий ислоҳотлар ва баркамол инсон тарбияси, янги Ўзбекистон ва маънавий янгиланиш, маърифатли жамият сари, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги каби масалалрни ўз ичига олган

Китобда таъкидланишича, ҳозирги таҳликали замонда турли ғоявий таҳдидлар ва хуружлар орқали инсон онги ва қалбига таъсир кўрсатилиб, жамиятимиз маънавий ҳаётини издан чиқариш учун босим ўтказилмоқда. Шунинг учун ҳам бундай ғоявий хуружларни олдини олиш ва унга қарши курашиш учун жаҳолатга қарши маърифатни кучайтириш, ёшларимизни маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш, замонавий ижтимоий фан ютуқларига асосланган маънавий таълим-тарбияни амалга ошириш, аҳолини маънавий-маърифий саводхонлигини янги босқичга кўтариш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ишларини такомиллаштириш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ қилиш каби вазифаларини амалга оширишни ҳаётимизнинг зарурий талабларига айлантиришимиз керак. Чунки, ҳозирги кунда жамиятимизда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитнинг мувозанатини таъминлаб турадиган умуминсоний ва миллий қадриятлар, азалий анъана ва урф-одатларнинг қадрсизланиши, деидеологизацияга йўл қўйиш ҳолатлари учрамоқда, ғоявий тарбия механизмининг таъсири камайгани сезилмоқда. Шунинг учун ҳам ёшларимиз қалби ва онгида мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ғоявий-маънавий омиллар таъсирини ошириш, жамиятимизни янги маънавий маконини барпо этиш, турли таҳдидларга бардош берадиган мафкуравий тамойилларни мустаҳкамлаш, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш давр тақозоси бўлиб қолмоқда.

Конференциядаги навбатдаги маъруза тақдимот хотин-қизлар кенгашининг талаба-қизлар ва институт хотин-қизлари билан олиб борилаётган ишлар ва истиқболдаги режалари ҳақида бўлди.

Албатта, юртбошимиз айтганидек, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланган жамиятда албатта тинчлик, адолат, эркинлик ва фаровонлик бўлади. Аёл бахтли бўлса, оила ва жамият ҳам албатта бахтли бўлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди ва фармон ижросини таъминлаш мақсадида тарғибот ишлари олиб борилди.

Жумладан: Оила маркази фаолияти йўлга қўйилди, Зулфия номидаги Давлат мукофоти таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт ва жамоатчилик фаолиятида алоҳида ютуқларга эришган ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган иқтидорли қизларни қўллаб қувватлаш мақсадида ҳар йилиўтказиладиган имтиёзлар кўпайиб бормоқда ва магистратурага тегишли йўналиш ҳамда ихтисослик бўйича кириш синовларисиз давлат грантлари асосида қабул қилинади, шунингдек “Мўътабар аёл” кўкрак нишони таъсис этилди.

Юртимизда 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган Қонунда Жинсий, жисмоний, иқтисодий ва руҳий зўравонликларнинг олдини олиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказаётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан ушбу Қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишидан ҳимоя қилиш мақсадида-ҳимоя ордери белгиланди.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институтида ўтказилган конференцияда маърузачи-тақдимотчи давлатимиз томонидан хотин-қизларга яратилаётган имкониятлар ва шарт-шароитлар ҳақида батафсил тўхталиб, институтда фаолият юритаётган хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнда фаол иштироки ҳақида алоҳида гапириб ўтди. Хотин-қизлар кенгаши томонидан институт ва талабалар турар жойида яшовчи талаба-қизлар билан учрашув-мулоқотлар ташкил этиб, уларни Республика ва халқаро миқиёсда ўтказилаётган Зулфия номидаги Давлат мукофоти таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт ва жамоатчилик фаолиятида фаол иштирок этишлари учун уларга йўл-йўриқлар кўрсатадилар. Шунингдек, талаба-қизларни турли

салбий ғоялар хатарларидан огоҳ бўлишга чақирадилар.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институтида «Олима» уюшмаси 2012 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Институтда 10 нафар профессор, 36 нафар фан доктори, 102 нафар доцент ва 122 нафар фан номзод аёл профессор-ўқитувчилар фаолият олиб бормоқда. Бир неча йилдан буён илмий изланиш олиб бораётган бир нечта хотин-қизлар илмий-инновацион йўналишда ташкил этилган танловларнинг шаҳар ва Республика босқичларида иштирок этиб совриндор ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти хотин-қизлар кенгаши томонидан хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, хусусан, гендер тенглиги ва аёлларни зўравонлик, зулмдан ҳимоя қилиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ҳамда хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий- иқтисодий фаоллигини ошириш мақсадида “Гендер тенгликни таъминлаш ва барқарор ривожланиш” мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди. Семинар – тренингда Юнусобод туман, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, Тошкент давлат юридик, НОУ «Process Knowledge System» дан С.И.Исакова, ТПТИ “Олима” уюшмаси раиси, Асаб касалликлари, болалар асаб касалликлари ва тиббий генетика кафедраси доценти У.Т.Омонова, Хотин-қизлар кенгаши раиси Д.А.Уста-Азизовалар мавзу бўйича маъруза ва тақдимотлари билан чиқдилар.

Шунингдек, хотин-қизлар кенгаши томонидан «Вклад женщин - ученых в борьбе с COVID-19» мавзусида халқаро конференция ташкил этилди. Конферецияда Қозоғистон Республикасидан А.С. Каримова “COVID-19” нинг неврологик оқибатлари” мавзусида, Хитой Халқ Республикасидан Дарья Дань “Комплексные решения для КОВИД-19 из Wondfo”, Италиядан Giorgia Scarfo “The contribution of women scientists to the fight against COVID-19” мавзусида, шунингдек, Қирғизистон Республикаси, ва Ўзбекистондан 10та маърузачиларимиз ўз тақдимотлари билан иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, “Саҳоват” ва “Мурувват” интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ Тошкент Педиатрия тиббиёт институтига бириктирилган Сирдарё ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар “Мурувват” интернат уйига ташриф уюштирилди ва у ердаги хотин-қизлар билан яқин мулоқотда бўлиб, таклиф ва мулоҳазалари ўрганилди.

Институт хотин-қизлар кенгашининг 2022 йилда амалга оширадиган вазифалари белгилаб олинди, яъни институт хотин-қизларини ижтимоий сиёсий жараёнда фаол иштирок этиши, уларнинг мавқеини юксалтириш учун яратилаётган имкониятлар тўғрисида доимо хабардор қилиб туриш, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”га тушган қизлар билан доимий ишлаш ва институтда таҳсил олаётган барча қизлар билан доимий мулоқотда бўлиш. Тьюторлар ҳамкорлигида талаба-қизлар билан доимий иш олиб бориш. Ўз уйида, ижарада ва талабалар турар жойларида истиқомат қилаётган талаба-қизларининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида турли тўгарак ва курслар фаолиятини йўлга қўйиш. Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари ва муқаддас қадамжоларга саёҳатлар уюштириш. Касаба уюшмаси билан ишлаш, аёлларнинг муаммоларини ҳал қилиш кабилар шулар жумласидандир. ир. У инсон фаолиятининг барча қирраларини, унинг яққол кўзга ташланувчи зохирий ва яширин, ички руҳий –ботиний томонларини ҳам қамраб олади. Аслида маънавият – инсонни жамики бошқа мавжудотлардан ажратиб турадиган энг бақувват маънавий-руҳий омил ҳисобланади. Инсон – табиатнинг, барча мавжудотнинг гултожи дейилганда унинг ушбу хислати, яъни юксак маънавият эгаси бўла олиш имконияти назарда тутилади. Бу имконни бошқа жонзотларда кўрмаймиз.

Ҳар қандай мамлакатнинг келажаги ёш авлод, унинг тарбияси, юксак маънавияти билан чамбарчас боғлиқдир. Айнан шунинг учун ҳам, ёшлар тарбияси борасида олиб борилаётган давлат сиёсати Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг муҳим йўналишларидан биридир. Юртимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш ва қарор топтириш жараёнида фаол иштирок этадиган келажак авлодни тарбиялашда уч буюк қадрият, яъни маънавият, одоб-ахлоқ ва маърифат устувор вазифалардан бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармонига мувофиқ “Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”да маънавий-маърифий ва тарбия-

вий ишлар таъсирчанлигини ошириш бўйича қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилган, яъни 5 та муҳим ташаббусни амалда кенг кўламда татбиқ қилиш, иқтидорли, истеъдодли, ташаббускор, замонавий билим ва кўникмаларни ўзлаштирган, инсоний фазилатларга эга ёшларни қўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзини оммалаштириш. Шунингдек, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халқ манфаатлари учун хизмат қилиш туйғуси билан яшайдиган баркамол авлод сифатида тарбиялашга қаратилган талаба-ёшларнинг маънавий-ахлоқий онгини ривожлантириш, талаба-ёшларни ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги, тинчликпарварлик ва миллатлараро тотувлик, виждон эркинлиги, барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш каби умуминсоний қадриятлар билан бирга миллий-ахлоқий қадриятларни камол топтириш, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаоллик, мустаҳкам фуқаролик позициясини шакллантириш каби фазилатларни тарбиялашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда маънавий-маърифий тадбирларнинг таъсирчан усулларини яратишдан иборат.

Дарҳақиқат, Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “...инсоният дунёсининг буюк бир ёритқичи-маънавият чироғи бор. Маънавият инсоннинг онги ва тафаккурини ёритади, қалби, виждонини уйғотади, одамийлик ҳиссини кучайтиради, у жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир.” (Ш.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси.Т.2021й. 266-267 бетлар.)

Шундай экан, «Кимки маънавият масаласи – бу фақат Маънавият ва маърифат маркази ёки тегишли вазирлик ва идораларнинг иши деб ўйласа, хато қилади».(Ш.Мирзиёевнинг 2022 йил, 26-январдаги Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясининг Давлат дастури бўйича ўтказилган видеоселекторида сўзлаган нутқидан).

28 январь 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонни ҳамда 2022 йил – «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини имзолади.

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши, маънавий тараққиётни таъминлаш, ушбу соҳани тубдан ислоҳ этиш ва янги босқичга олиб чиқиш, деб номланади. Худди шунингдек, 2022 йил “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” учун ишлаб чиқилган йўл харитасида ҳам маънавий-маърифий масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Яъни, “Ҳаракатлар стратегиясидан - тараққиёт стратегияси сари” ғояси асосида соғлом дунёқараш ва бунёдкорликни умуммиллий ҳаракатга айлантириш; китобхонликни кенг оммалаштириш ва “Китобсевар миллат” умуммиллий ғоясини рўёбга чиқариш; жамиятда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш; Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва тарғиб қилишни ривожлантириш; “Янги Ўзбекистон – маърифатли жамият” концепциясини амалга ошириш, маданият ва санъат соҳаларини янада ривожлантириш кабилар шулар жумласидандир.

Жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий, маънавий тараққиёти учун ҳисса қўшадиган кадрларни етиштириб бериш мақсадида республикамизнинг барча олий таълим тизимида ўз хусусиятларидан келиб чиққан 2022 йилда амалга оширишга мўлжалланган йўл хариталари ишлаб чиқилди.

Жумладан, Тошкент Педиатрия тиббиёт институтида жорий йилнинг январь ойида “Рақобатбардош ва замонавий тиббий кадрларни тайёрлашдаги устувор вазифалар” мавзусида икки кунлик ўқув-илмий-маънавий-маърифий семинар-конференция бўлиб ўтди. Конференциянинг иккинчи кунида ҳар бир йўналиш бўйича секцияларга бўлиниб давом эттирилди, жумладан, “ТошПТИда маънавий-маърифий ишларни амалга оширишни янги босқичга олиб чиқиш” мавзусидаги семинар-конференцияда ёшлар масаласи ва маънавият ва маърифат бўлимига тегишли мутасадди ходимлар ҳамда жамоат ташкилотларининг масъул педагогларининг 2022 йилда талаба-ёшлар ўртасида амалга оширадиган ишлари бўйича маъруза-тақдимотлар тингланди ва белгиланган вазифаларнинг натижадорлиги, самарадорлиги прогнози муҳокама қилинди.

Конференция Президент Шавкат Мир-

зиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобининг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ ўрганиш ва уни талаба-ёшлар ўртасида тарғиб қилишнинг таъсирчан механизми ҳақида сўз борди. Дарҳақиқат, мазкур китобда кўтарилган қайси бир масалани олиб қарамайлик, у ниҳоятда долзарб, уни амалга ошириш ҳозирги даврни талаби эканлигининг гувоҳи бўламиз. Китобнинг янги Ўзбекистон орзуси, унинг феномени, янгиланаётган Ўзбекистон ва тараққиёт омилларини ўзида акс эттирган “Янги Ўзбекистон Стратегияси ёки Маънавий тараққиёт” деб номланувчи бўлимида маънавий янгиланиш: имконият ва истиқболлар, янги замонавий маконни яратиш, маърифий ислоҳотлар ва баркамол инсон тарбияси, янги Ўзбекистон ва маънавий янгиланиш, маърифатли жамият сари, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги каби масалалрни ўз ичига олган

Китобда таъкидланишича, ҳозирги таҳликали замонда турли ғоявий таҳдидлар ва хуружлар орқали инсон онги ва қалбига таъсир кўрсатилиб, жамиятимиз маънавий ҳаётини издан чиқариш учун босим ўтказилмоқда. Шунинг учун ҳам бундай ғоявий хуружларни олдини олиш ва унга қарши курашиш учун жаҳолатга қарши маърифатни кучайтириш, ёшларимизни маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш, замонавий ижтимоий фан ютуқларига асосланган маънавий таълим-тарбияни амалга ошириш, аҳолини маънавий-маърифий саводхонлигини янги босқичга кўтариш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ишларини такомиллаштириш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ қилиш каби вазифаларини амалга оширишни ҳаётимизнинг зарурий талабларига айлантиришимиз керак. Чунки, ҳозирги кунда жамиятимизда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитнинг мувозанатини таъминлаб турадиган умуминсоний ва миллий қадриятлар, азалий анъана ва урф-одатларнинг қадрсизланиши, деидеологизацияга йўл қўйиш ҳолатлари учрамоқда, ғоявий тарбия механизмининг таъсири камайгани сезилмоқда. Шунинг учун ҳам ёшларимиз қалби ва онгида мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантириш, ғоявий-маънавий омиллар таъсирини ошириш, жамиятимизни янги маънавий маконини барпо этиш, турли таҳдидларга бардош берадиган мафкуравий тамойилларни мустаҳкамлаш, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш давр тақозоси бўлиб қолмоқда.

Конференциядаги навбатдаги маъруза тақдимот хотин-қизлар кенгашининг талаба-қизлар ва институт хотин-қизлари билан олиб борилаётган ишлар ва истиқболдаги режалари ҳақида бўлди.

Албатта, юртбошимиз айтганидек, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланган жамиятда албатта тинчлик, адолат, эркинлик ва фаровонлик бўлади. Аёл бахтли бўлса, оила ва жамият ҳам албатта бахтли бўлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сонли “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди ва фармон ижросини таъминлаш мақсадида тарғибот ишлари олиб борилди.

Жумладан: Оила маркази фаолияти йўлга қўйилди, Зулфия номидаги Давлат мукофоти таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт ва жамоатчилик фаолиятида алоҳида ютуқларга эришган ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган иқтидорли қизларни қўллаб қувватлаш мақсадида ҳар йилиўтказиладиган имтиёзлар кўпайиб бормоқда ва магистратурага тегишли йўналиш ҳамда ихтисослик бўйича кириш синовларисиз давлат грантлари асосида қабул қилинади, шунингдек “Мўътабар аёл” кўкрак нишони таъсис этилди.

Юртимизда 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган Қонунда Жинсий, жисмоний, иқтисодий ва руҳий зўравонликларнинг олдини олиш, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказаётган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан ушбу Қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишидан ҳимоя қилиш мақсадида-ҳимоя ордери белгиланди.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институтида ўтказилган конференцияда маърузачи-тақдимотчи давлатимиз томонидан хотин-қизларга яратилаётган имкониятлар ва шарт-шароитлар ҳақида батафсил тўхталиб, институтда фаолият юритаётган хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнда фаол иштироки ҳақида алоҳида гапириб ўтди. Хотин-қизлар кенгаши томонидан институт ва

талабалар турар жойида яшовчи талаба-қизлар билан учрашув-мулоқотлар ташкил этиб, уларни Республика ва халқаро миқиёсда ўтказилаётган Зулфия номидаги Давлат мукофоти таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт ва жамоатчилик фаолиятида фаол иштирок этишлари учун уларга йўл-йўриқлар кўрсатадилар. Шунингдек, талаба-қизларни турли салбий ғоялар хатарларидан огоҳ бўлишга чақирадилар.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институтида «Олима» уюшмаси 2012 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Институтда 10 нафар профессор, 36 нафар фан доктори, 102 нафар доцент ва 122 нафар фан номзод аёл профессор-ўқитувчилар фаолият олиб бормоқда. Бир неча йилдан буён илмий изланиш олиб бораётган бир нечта хотин-қизлар илмий-инновацион йўналишда ташкил этилган танловларнинг шаҳар ва Республика босқичларида иштирок этиб совриндор ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти хотин-қизлар кенгаши томонидан хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, хусусан, гендер тенглиги ва аёлларни зўравонлик, зулмдан ҳимоя қилиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ҳамда хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий- иқтисодий фаоллигини ошириш мақсадида “Гендер тенгликни таъминлаш ва барқарор ривожланиш” мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди. Семинар – тренингда Юнусобод туман, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими, Тошкент давлат юридик, НОУ «Process Knowledge System» дан С.И.Исакова, ТПТИ “Олима” уюшмаси раиси, Асаб касалликлари, болалар асаб касалликлари ва тиббий генетика кафедраси доценти У.Т.Омонова, Хотин-қизлар кенгаши раиси Д.А.Уста-Азизовалар мавзу бўйича маъруза ва тақдимотлари билан чиқдилар.

Шунингдек, хотин-қизлар кенгаши томонидан «Вклад женщин - ученых в борьбе с COVID-19» мавзусида халқаро конференция ташкил этилди. Конференцияда Қозоғистон Республикасидан А.С. Каримова “COVID-19” нинг неврологик оқибатлари” мавзусида, Хитой Халқ Республикасидан Дарья Дань “Комплексные решения для КОВИД-19 из Wondfo”, Италиядан Giorgia Scarfo “The contribution of women scientists to the fight against COVID-19” мавзусида, шунингдек, Қирғизистон Республикаси, ва Ўзбекистондан 10та маърузачиларимиз ўз тақдимотлари билан иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, “Саҳоват” ва “Мурувват” интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ Тошкент Педиатрия тиббиёт институтига бириктирилган Сирдарё ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар “Мурувват” интернат уйига ташриф уюштирилди ва у ердаги хотин-қизлар билан яқин мулоқотда бўлиб, таклиф ва мулоҳазалари ўрганилди.

Институт хотин-қизлар кенгашининг 2022 йилда амалга оширадиган вазифалари белгилаб олинди, яъни институт хотин-қизларини ижтимоий сиёсий жараёнда фаол иштирок этиши, уларнинг мавқеини юксалтириш учун яратилаётган имкониятлар тўғрисида доимо хабардор қилиб туриш, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”га тушган қизлар билан доимий ишлаш ва институтда таҳсил олаётган барча қизлар билан доимий мулоқотда бўлиш. Тьюторлар ҳамкорлигида талаба-қизлар билан доимий иш олиб бориш. Ўз уйида, ижарада ва талабалар турар жойларида истиқомат қилаётган талаба-қизларининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида турли тўгарак ва курслар фаолиятини йўлга қўйиш. Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари ва муқаддас қадамжоларга саёҳатлар уюштириш. Касаба уюшмаси билан ишлаш, аёлларнинг муаммоларини ҳал қилиш кабилар шулар жумласидандир.

Адабиётлар

1. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т. 2021:266-267.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида. ПФ-60 Фармони. Тошкент. 2022.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. ПҚ-5040 сон қарори.Тошкент. 2021.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси.ПФ-5847 Фармони. Тошкент. 2019.

Жабборова Ю.Ж.

ГЛОБАЛЛАШУВНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА ШАХС МАФКУРАВИЙ ТАРБИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Тадқиқот мақсади. Бугунги глобаллашув шароитида ёшларни мафкуравий таҳдидлардан ва маънавий хуружлардан ҳимоя қилишда “оммавий маданият”га қарши, ўз фикрига эга бўлган ёшларни тарбиялаш.

Материаллар ва услублар. Бугунги глобаллашув ва тез суръатлар билан ўзгариб бораётган мураккаб ва шиддатли даврда мамлакатимиз ёшлари маънавиятини турли таҳдидлардан асраш, уларнинг халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятини англаб етиши, ушбу воқеликлар юзасидан холис ва мустақил фикрга эга бўлиши, тўғри ва мақбул хулоса чиқара олиш салоҳиятини шакллантириш.

Натижалар. Эртанги кунимизнинг эгалари бўлмиш ёш авлод вакилларида юрт тараққиёти, жамият ривожи учун дахлдорлик ҳиссини кучайтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий дунёқарашини бойитиш, дунёда юз бераётган турли воқеликлардан тўғри хулоса чиқара олишлари ҳамда энг асосийси, мамлакатимизда тинчликни таъминлаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, жамиятда ижтимоий адолат ўрнатиш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар моҳиятини чуқур англашлари, эришилган натижаларни асраш, мустақиллигимизнинг қадрига ета оладиган қилиш.

Ўзбекистон Конституцияси – Мустақиллик қомуси, том маънода ўзбек халқи қадриятининг олий ҳуқуқий шакли, ҳаётимизнинг асосий қонуни сифатида халқ манфаатлари учун хизмат қилмоқда. Унда ифодаланган конституциявий меъёрлар ва қонунларнинг устуворлиги жамиятда ижтимоий муносабатларни мақбул ҳолга келтиришга йўналтирилганлиги билан фуқаролик жамият асосларини қарор топтиришнинг асосий омили, ҳуқуқий ислоҳотларнинг пойдеворидир.

Муҳтарам Президентимиз “Янги Ўзбекистон” газетасига берган интервьюсида “Ёшлар – халқимизнинг асосий таянчи ва суянчи. Кенг кўламли ислоҳотларимизни самарали амалга оширишда улар ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқмоқда. Айнан замонавий билим олган, илғор касб-ҳунарларни, инновацион технологияларни, хорижий тилларни пухта эгаллаган ўғил - қизларимиз мамлакатимизни янада тараққий эттиришда етакчи ўрин тутади.”[1], дея таъкидлади. Глобаллашув жараёнида ўзига хос замонавий тафаккурга эга, миллий ва умуминсоний қадриятларни яхши биладиган, янгича дунёқарашли шахсларни вояга етказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу жараёнда барчани маълум мақсад атрофида бирлаштирувчи миллий ғоянинг роли кучли бўлиб, миллат тақдири, Ватан равнақи, юрт фаровонлиги йўлида ўзгача қиёфа касб этувчи давлатлар шаклланиб боради. Уларнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида шахс ва давлат ўртасидаги ижтимоий муносабатлар тизими, ёшлар маънавияти алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатимизда шахс манфаатларини устун қўйиш, давлатнинг ислоҳотлар жараёнидаги фаолиятини инсон манфаатлари йўлида тобора мустаҳкамлаб бориш энг долзарб вазифа ҳисобланади.

Мазкур жараёнда жамиятнинг ҳақиқий ватанпарвар, юксак маънавиятли фуқароларга эҳтиёжи кучайиб боради. Бу эса, ўз навбатида жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланаётган ёшларни эзгу мақсадлар сари йўналтириб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида муайян ғоя ёки мафкуранинг кучли шаклланишини талаб этади. Натижада халқнинг турмуш тарзини акс эттирувчи, соғлом фикрли шахс ёхуд ёш авлодни тарбияловчи муайян қарашлар ва фикрлар йиғиндисидан иборат мафкура вужудга келади. Бу мафкура ёшларни ижтимоий идеаллар негизида юксак марралар сари чорлаб, доимо маънавий-руҳий жараёнларга куч-қувват бўлувчи вазифани бажаради.

Халқ маънавиятининг тарихи қанчалик бой бўлса, унинг бугунги кундаги интеллектуал имкониятлари, ёшларининг интилишлари, мақсадлари ҳам шунчалик улуғвор бўлади. Бунга ишонч хосил қилиш учун кейинги беш йиллик тараққиётимизга нигоҳ ташлашнинг ўзи кифоя. Янги Ўзбекистон стратегиясининг

1 Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош мухаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари. Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда. Тошкент.: “O‘qituvchi” MU, 2021. –Б.51

янгича тамойиллари замирида буюк салтанат барпо этиб, ўзбек халқини жаҳонга танитган улуғ Амир Темурнинг адолатли сиёсати мужассам. Ўзининг машҳур "Тузук"ларида у шундай дея сабоқ беради: "Ҳар кимдан кенгаш олдим. Ҳар кимдан фикр ўргандим, қайси бири фойдалироқ бўлса, уни кўнгил хазинасида ишлата билдим"[2]. Аслида, Соҳибқирон бобомизнинг бу ўгитлари биз учун бебаҳо маънавий хазинадир. Унинг замирида қанчадан - қанча меҳнат ва заҳмат, ақл-идрок, мардлик ва жасорат, тадбиркорлик, келажакка ишонч руҳи турибди. Миллий мафкуранинг асосий фалсафий илдизларини жаҳон фалсафасидаги умуминсоний қадриятлар, Шарқ фалсафаси ва юртимиздан етишиб чиққан алломаларимизнинг фалсафий қарашлари ташкил қилади.

Миллий мафкура деганда, муайян ҳудудда яшовчи ҳар бир миллатнинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари, маслак-муддаолари, мақсадлари, манфаатлари ва орзу–умидларини ёрқин акс эттириб келувчи ғоялар мажмуасини англаш учун ёшларимиз ватан тарихини, халқнинг қадимий илдизларини, улуғ аждодларнинг меросини ўрганишлари шарт. Шахснинг шаклланиши ва камолоти унинг миллий ғурур ҳамда миллий ўзлик туйғусини англаши билан белгиланади. Ёшлар тафаккурида истиқлол ва ватанпарварлик, давлат рамзларига эҳтиром туйғуларининг уйғониши маънавий – психологик ҳодиса сифатида ўрганилади. Бизнинг тенгдошларимиз дунёга маърифат кўзи билан қарашга ўрганиб бормоқдалар. Муҳими, бунинг учун замин ва асос ўз ўтмишимиздан, анъаналаримиз ва қадриятларимиздан топилади.

Хусусан, ўзбек халқнинг миллий мафкураси ҳам «Авесто» яратилмасдан анча олдин ижтимоий ҳаётда шахслар дунёқарашини ривожлантириб келган. Мана шундай ўзининг миллий мафкурасининг асоси- Ватанининг озодлиги учун курашган шахс Широқ эди. У халқнинг озодлиги, юрт тинчлиги ва юксак эстетик маданиятини сақлаб қолиш учун ўзини ўлимга маҳкум этганда, у албатта ўзининг миллий мафкурасига таянган эди. Чунки унинг бу мафкураси халқ аъзоларини энг олий эзгу ва бунёдкорликка йўналтирилган ишларга даъват этган ҳамда уларни юксак эстетик маданиятли жамиятнинг, қолаверса, халқнинг фаровон яшаши, бахтли соғлом турмуш кечириши учун ҳар қандай қаҳрамонликлар қилишга чорлаган етук шахс эди.

Спитамен, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди каби Ватанимизнинг буюк қаҳрамонлари, Амир Темур ва Мирзо Бобурдек машҳур давлат арбоблари ҳамда шоирларнинг султони деб ном олган, миллатимизнинг улуғ зоти – Алишер Навоий ҳам ўзларининг кўп қиррали фаолиятида, турли миллат ва элатларга нисбатан олиб борган давлат сиёсати ҳамда асарларида миллий мафкурани юксак даражада қадрлаган, уни амалга оширганлар. Соҳибқирон бобомизнинг «Куч-адолатдадир» деб номланган шиорининг қудрати билан Марказий Осиё ҳудудидаги барча миллат ва элатларни бирлаштиришга, уларнинг муносабатларини миллий мафкура мазмунига биноан ўрнатилишига, Ватанимиз тарихида биринчи бор шундай буюк салтанат барпо этилишига ва улкан бунёдкорлик ишлар олиб борилишига эришди. Алишер Навоийнинг қайси бир асарини олмайлик, унда одамнинг салбий иллатлари қораланади ва шу билан бирга, унинг олий хислатлари қўллаб-қувватланади. Дарҳақиқат, улуғ шоир илмли – донишманд бўлишни комилликнинг муҳим шартларидан бири деб ҳисоблайди. Илм орқали одам дунёни ва ўзлигини танийди, касбу кор ва ҳунар ўрганади, оқу-қорани ажратади. Унинг барча асарларида илм олишга даъват, ақл ва заковатни улуғлаш фазилати бўртиб туради. Илм ҳаёт чироғи, инсонни ҳайвондан ажратадиган асосий сифатдир. Бойлик ёки мансаб илинжида илм ўрганиш гуноҳдир:

Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзинию халқини гумроҳ этар.

Фахр билан таъкидлашимиз керакки, ҳозир диёримизда миллий мафкура давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда, ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида тўлоқонли амал қилиши учун керакли бўлган қонун-қоидалар қабул қилинмоқда ва ҳоказо. Шуни ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозимки, жаҳон миқёсида мафкуравий зиддиятлар кескинлашиб, таҳдидлар кучайиб бораётган бир вақтда, Ватанимизда бу ғоянинг узул-кесил амал қилиб бориши барчага ҳам маъқул бўлмоқда деб бўлмайди. Баъзи бир ғанимларимиз миллий мафкурани Ватанимиз равнақ топишининг энг муҳим омилларидан бири эканлигини жуда ҳам яхши билади ва шунинг учун улар қандай бўлмасин, жамиятимиздаги миллатлараро му-

2 Ўзбек педагогикаси антологияси. Амир Темур ибратларидан намуналар. Тошкент.: "Ўқитувчи" нашриёти, 1995. –Б-238.

